Тошкент ҳақиқати

№ 3 (10.429).

1993 йил 7 январь пайшанба

Баҳоси 5 сўм.

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

Суратда: учрашув пайти.

ЖАСУР ҚАДАМ

● Яқинда ўз миллий мустақиллигини қўлга киритган Ўрта Осиё ҳамда Қозоғистон республикаларининг янги 1993 йилдан умидлари катта. Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари давлат раҳбарларининг Янги йилнинг дастлабки кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган учрашуви ана шу орзу-умидларни рўёбга чиқариш йўлида ўзаро ҳамкорлик энг мақбул восита эканлигини исботловчи яна бир муҳим қадам бўлди.

Чунки собиқ империянинг қоғозда ўйлаб топилган «планли тараққиёт»и асоратларидан ҳеч қайси янги мустақил давлат бир ҳамла билан қутула олмайди. Лекин бу ҳол ўша империяни, айрим улуғ давлатчи шоввозлар айтаётгандай, қайта тиклабгина мурод ҳосил қилинади, дегани эмас. Сабаби, ҳеч бир миллий мустақиллик иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳалар бўйича ҳамкорликни инкор этмайди. Фақат ҳамкорлик баҳонасида унинг эркига дахл қилинмаса бўлгани.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлат раҳбарларининг Тошкент учрашуви илгаригиларидан кескин фарқ қилади. Яъни, келгусида бу минтақадаги давлатларнинг янги — Марказий Осиё ҳамдўстлиги (МОҲ) барпо этилиши учун замин ҳозирланди. Иқтисодий ва молиявий соҳаларда яқиндан ҳамкорлик қилиш, ўзаро келишилган ҳолда сиёсат юргизиш, ягона бож қоидаларини ва солиқ тизимларини ишлаб чиқиш, нархларни белгилаш кабн омиллар бозор муносабатларига ўтиш шароитида бу давлатлар аҳолисини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишда қўл келади, иқтисодий таназзулдан чиқишга ёрдам беради, пулнинг бундан ҳам қадрсизланиб кетишн олдини олади. Сабабн, бу минтақадаги халқларнинг тақдири кўп жиҳатдан ана шу ҳамкорликнинг қай даражада йўлга қўйилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки ўзини собиқ СССРнинг вориси деб эълон қилган Россиянинг пул ҳамда нархнаво бобида бошқа республикалар билан ҳисоблашмай юргизаётган сиёсати Марказий Осиё давлатлари иқтисодиётига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун минтақадаги давлатлар манфаатларига мос келадиган, уларнинг иқтисодиётини ташқи тазйиқдан бемалол ҳимоя қила оладиган сиёсатни ишлаб чиқиш вақти етди. Чунончи, шароит давлатларнинг ўз валютасини муомалага киритиш масаласини қайта-қайта кун тартибига қўймоқда.

Бу минтақа ўз табиий бойликлари жиҳатидан ҳам, иқтисодий потенциални ҳисобга олганда ҳам дунёдаги ҳар қандай мамлакат билан бемалол рақобатлаша олади.

Кучларни бирлаштириш ва янги ҳамдўстлик барпо этишдан яна бир муддао таркиб топаётган бозор муносабатлари шароитида бевосита мазкур минтақа келажагига дахлдор Орол ва Каспий денгизлари муаммоларини ҳал этиш заруратидир. Империядан мерос бўлиб қолган бу салбий муаммони ҳеч бир республика ўз ҳолича ҳал қила олмайди. Буни яхши англаб етган давлат раҳбарлари беш республика иштирокида қўшма жамғарма тузиш ва у бевосита ҳалокат зонасида жойлашган шаҳарларда фаолият кўрсатиши лозимлиги хусусида келишиб олганлари улуғ ишнинг бошланиши бўлди, деб умид қилиш мумкин. Каспий денгизи муаммосини ҳал этишга манфаатдор томонлардан Эрон ва Россияни жалб этишга қарор қилинди.

Яна муҳим муаммолардан бири қўшни Тожикистондаги фуқаролар урушига чек қўйиш ва унинг оқибатларини тугатиш борасида ҳам шошилинч чоралар кўриш зарур. Бу қўшни республиканинг қарийб издан чиқиб кетаёзган иқтисодиётини тиклаш, уруш уқубатларини тортаётган тожик халқига инсонийлик ёрдами кўрсатиш борасида ҳам раҳбарлар яқдиллик кўрсатиши. Мустақил республиканинг ҳудудий яхлитлигини бузишга ҳамда ички ишларига бошқаларнинг аралашишига йўл қўймаслик минтақадаги осойишталик ва ўзаро муросани таъминлашнинг гарови бўлиб қолади.

Қисқаси 55 миллион кишн яшайдиган минтақада таркиб топаётган бозор муносабатларини ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди. Уларни ўзаро мувофиқлаштириш иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда Марказий Осиё ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг юк ташишда энг арзон ва қулай восита — дунё сув йўлларига тезроқ чиқиш имконини беради. Бунинг учун тарихи, дини ва маданияти бир бўлган халқларни янада яқинлаштириш зарур. Шу мақсадда таркиб топажак Ҳамдўстликнинг давлатлараро янги рўзномаси Олмаота шаҳрида, Марказий телевидениеси Тошкент шаҳрида ва бошқа тузилмалари қолган қардош республикалар пойтахтларида жойлашадиган бўлди. Бу бус-бутун қайта тикланажак иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар учун мустаҳкам пойдевор бўлиши шубҳасиз.

Янги ҳамдўстлик тузишдан мақсад бозор иқтисодиётига ўтиш қийинчиликларини енгишда минтақадаги янги имкониятларни ишга солиш борасида ҳамкорлик қилишдир. Бу биринчи навбатда Қозоғистоннинг ғалласи, хом нефти, Ўзбекистоннинг пахтасига бўлган минтақа халқларининг эҳтиёжи қондирилиши зарурлигини билдиради.

Янги таркиб топаётган Ҳамдўстлик билан МДҲга аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатларга келсак, Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари ҳеч қайси давлат ёки Ҳамдўстлик билан мавжуд алоқаларни узмоқчи ёки қайта кўриб чиқмоқчи эмас. МДҲ давлат раҳбарлари учрашувлари чоғида имзоланган ҳужжатлар ёки икки томонлама шартномаларда кўзда тутилган иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорлик давом эттирилаверади. Бу собиқ СССРни тиклаш керак, деган пуч даъволарга асос бўла олмайди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бот-бот такрорлаётганидай, тарихни ортга қайтариб бўлмайди. У ҳамиша илгарилаб бораверади.

Куни кеча Тошкентда ўтган бу учрашув ҳам халқларимиз ҳаётида муҳим воқеа, олға ташланган жасур қадам бўлиб қолажак.

Ф. НИЗОМОВ.
(ЎзА).

ОРҚАГА ҚАЙТИШ ЙЎҚ. ТАРИХНИНГ ЙЎЛИ ОЛҒА БОРИШДИР

ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН СУҲБАТИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Тошкентга учрашувга келган Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатларн бошлиқлари эшикларни беркитиб олиб, уч соатдан кўпроқ мажлис қилдилар. Бу кенг доирадаги музокаралар Янги йилнинг биринчи иш кунида ўтганлиги журналистларнинг эътиборидан четда қолмади. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, бир соатни ҳам қўлдан бермаслик керак. Ҳамдўстлик мамлакатларида вужудга келаётган вазият шошилинч чоралар кўришни талаб қилмоқда.

Бу тахминни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Ақаев ва Тожикистон Олий Кенгашининг Раиси Имомали Раҳмонов иштирок этган ва анча давом этган журналистлар билан учрашув тўла тасдиқлади.

Шуни таъкидлаш керакки, оммавий ахборот воситаларининг қийин саволларига асосан Ислом Каримов билан Нурсултон Назарбоев жавоб қайтардилар. Уларнинг биринчи жавобнёқ шов-шувга сабаб бўлди. Тошкентда Марказий Осиё давлатларининг янги ҳамдўстлигини барпо этиш учун барча шарт-шароит яратилди. Аммо бу Ўрта Осиёдаги собиқ республикалар ва Қозоғистон МДҲ билан алоқаларни бутунлай узмоқчи, деган гап эмас. Улар имзоланган ҳужжатларга амал қилишга, тенг ҳуқуқли ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттиришга тайёрдирлар. Аммо биринчи навбатда бу давлатлар ўз манфаатларини ҳисобга оладилар. Президентлар бу гапларни далиллар билан етарли даражада асослаб бердилар.

Мутахассисларнинг фикрича, 55 миллиондан ортиқ одам яшайдиган Марказий Осиё минтақаси ўзининг иқтисодий салоҳияти билан энг равнақ топган мамлакатлар билан баҳслаша олади. Бой ҳом ашё ресурсларидаги мавжудлиги, халқларнинг меҳнатсеварлиги, иқлим шароитининг қулайлиги ана шундай салоҳиятдир.

Хуллас, бешта мустақил давлат ҳудудида сифат жиҳатидан янги минтақа бозори вужудга кела бошлади. Бу бозорда ягона бож қоидалари, солиқ тизими, ягона мудофаа доираси, ўзаро келишилган нархлар мавжуд бўлади... Бундан ташқари тақчил хом ашё ва материалларни ўзаро етказиб беришда энг яқин қўшнилارга афзаллик берилади. Масалан, Қозоғистон эндиликда хом нефтнинг анча қисмини Ўзбекистон ва Туркманистондаги заводларда қайта ишлайди, дон, энергетика қувватлари, жаҳон нархларида сотиладиган бошқа моллар хусусида ҳам шу гапларни айтиш мумкин.

Бироқ, мустақил давлатларнинг раҳбарлари бир неча бор таъкидлаганларидек, бу жаҳондаги бошқа давлатлардан ажралиб қолиш деган гап эмас. Мустақил мамлакатлар мавжуд чегараларни қатъий эътироф этадилар, Ҳамдўстликдаги бошқа давлатлар, айниқса, Россия Федерацияси билан бундан буён ҳам мустаҳкам ҳамкорлик қилишга тайёрдирлар.

Президентларнинг жавобларида рубль зонасига катта эътибор берилди. Журналистлар билан учрашувда таъкидланганидек, сўнгги вақтда Россия молия сиёсатида монополиячи сифатида иш тутиб, бошқа давлатларнинг манфаатларини эътиборга олмаяпти. Бу эса мустақил давлатларнинг иқтисодиётига салбий таъсир қилмоқда. Шу сабабли давлат бошлиқлари билан биргаликда Тошкент учрашувига келган мутахассислар ўз валютасига ўтишнинг эҳтимол тутилган вариантларини муҳокама қилдилар. Бироқ бу ишда шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Мазкур саволга Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг 22 январда Минскда бўладиган учрашуви аниқ жавоб беради. Лекин ҳозир шуни айтиш мумкинки, Тошкент учрашувининг қатнашчилари бу масала хусусида ўз таклифларини киритадилар. Бу соҳада томонларнинг ўзаро ён босиши зарур бўлади.

Тошкентда ана шу масалалардан ташқари Орол денгизи теграсидаги экологик барқарорлик муаммолари муҳокама қилинди. Бунинг учун бешта давлатнинг қўшма жамғармасини ташкил этишга қарор қилинди. Жамғарма фалокат зонасида жойлашган учта шаҳарда навбати билан иш олиб боради. Каспий денгизи хусусида манфаатдор томонлар билан музокаралар олиб боришга ҳам аҳд қилинди. Бу музокараларда Россия ва Эрон вакиллари ҳам қатнашмоғи лозим.

Давлат бошлиқлари минтақа ягона ахборот доирасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Телевидение маркази Тошкентда, республикаларо газета таҳририяти эса Олмаотада жойлашади. Айни бир пайтда Марказий Осиё давлатларининг Форс кўрфази ва Тинч океанга чиқиши масаласи ҳам ўрганилади. Бунинг учун катта маблағ талаб қилиниши тушунарлидир. Лекин, президентларнинг фикрича, таклиф этилган бир неча лойиҳани амалга ошириш мумкин.

Табиийки, Тожикистон муаммоларига жуда жиддий эътибор берилди. Давлат бошлиқлари яқдиллик билан Тожикистон чегаралари дахлсизлигини айтдилар. Қўшни республикадаги аҳволни тезроқ барқарорлаштириш учун у ерга одамийлик ёрдами: кийим-кечак, дори-дармонлар, озиқ-овқат, ёнилғи-мойлаш материаллари юборилади. Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида дўстлик ва ўзаро ёрдам ҳақида учрашув чоғида имзоланган Шартнома бундай одамийлик ёрдами бериш учун асос бўлди. 11 январь куни худди шундай ҳужжатни имзолаш учун И. Раҳмонов Олмаотага жўнаб кетади.

— Иттифоқни тиклашга шу масала юзасидан матбуотда пайдо бўлган бир қанча мақолаларга қандай қарайсиз?

Бу саволга барча давлат бошлиқлари бир хил жавоб қайтардилар. Орқага қайтиш йўқ ва мумкин ҳам эмас. Улкан минтақа ҳеч қачон бошқа бирор давлатнинг хом ашё етиштирилдиган ўлкасига айланмайди.

— Тарих ғилдирагини орқага буриб бўлмайди, — деди Ислом Каримов бу фикрни ривожлантириб. — Лекин Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига шу қадар шошилиб, жаноза ўқилмаслиги керак. Минскдаги учрашув кўп жиҳатдан бурилишни бошлаб берадиган учрашув бўлиши лозим. Чункн ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун ҳамма имкониятлардан фойдаланилгани йўқ. Марказий Осиё давлатлари анъанавий қўшни давлатлар бўлиб, маданияти, анъаналари ва тилининг ўхшашлиги уларни жипслаштиради, бу давлатлар ўз йўлидан борадилар, бунга шак-шубҳа йўқ.

Тошкент учрашуви якунлари юзасидан Қўшма ахборот қабул қилинди. Давлат бошлиқлари навбатдаги мажлисни Ашгабадда ўтказишга қарор қилдилар.

* * *

Учрашув қатнашчилари — мустақил давлатларнинг раҳбарлари шу куни Тошкентдан жўнаб кетдилар.

Л. ЛЕВИН,
А. КАРИМОВ,
ЎзА мухбирлари.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА БОШҚА ЎЗИЮРАР МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАР ЭГАЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ТЎҒРИСИДА

1-модда. Солиқ тўловчилар

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ва ҳаво тўлдирилган резина ғилдиракли транспорт воситаларига ҳамда бошқа ўзиюрар машиналар ва механизмларга эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар (шу жумладан ажнабий шахслар) транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар эгаларидан олинадиган солиқни тўловчилар ҳисобланади.

2-модда. Солиқ тўлаш тартиби ва муддатлари

1. Транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар эгаларидан олинадиган солиқ ҳар йили тўланади. Солиқ транспорт воситалари рўйхатдан, қайта рўйхатдан ёки техник кўрикдан ўтказилгунга қадар тўланади.

Транспорт воситалари эгаларидан олинадиган солиқ тўловлари суммаси тўловчилар — корхоналар ва ташкилотлар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, бажарилган ишлар ҳамда хизматларга доир ҳаражатлар таркибига киритилади.

2. Солиқни тўлаш муддатлари халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари ва шаҳарлардаги туман ҳокимлари томонидан, лекин 1-июлдан кечиктирмасдан белгиланади.

3-модда. Солиқни ҳисобга ўтказиш ва ундан фойдаланиш тартиби

Транспорт воситалари ва бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар эгаларидан олинадиган солиқ пули тегишли маҳаллий бюджетларга ўтказилади ва йўлларни таъмирлаш, қуриш ҳамда ободонлаштириш учун ишлатилади.

4-модда. Солиқ ставкалари

Транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар эгаларидан олинадиган солиқ миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси белгилайди.

5-модда. Солиқ бўйича имтиёзлар

1. Транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар эгаларидан олинадиган солиқдан қуйидагилар озод этилади:

давлат бюджети ҳисобида турадиган муассаса ва ташкилотлар;

пахта териш, дон йиғиш комбайнлари ҳамда бошқа махсус комбайнлар эгалари;

шаҳарларда (таксидан ташқари) ва шаҳар атрофига қатнаб йўловчилар ташувчи умумфойдаланишдаги автотранспорт корхоналари;

Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари, Ватанни ҳимоя қилиш бўйича бошқа жанговар операцияларда ҳарбий қисмларда, штабларда ва ҳаракатдаги армия таркибига кирувчи муассасаларда хизматини ўтаган ҳарбий хизматчилар, шунингдек собиқ партизанлар, байналмилалчи жангчилар жумласидан бўлмиш шахслар;

қўл билан бошқарнладиган мотоколяскаси ва автомобили бор ногиронлар.

2. Солиқ:

а) йўлларни таъмирлаш ва қарамоғида сақлаш ишларида банд бўлган йўл хўжалиги корхоналари ҳамда ташкилотларининг транспорт воситалари ва механизмлари учун;

б) давлат дастурлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қуролли кучлари учун кадрлар тайёрлашда фойдаланиладиган транспорт воситалари ва механизмлари учун ундирилмайди.

6-модда. Солиқ тўловчиларнинг жавобгарлиги

Транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар эгаларидан олинадиган солиқни ўз вақтида тўламаган солиқ тўловчилар муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун (шу жумладан тўлов тўланган кунни қўшган ҳолда) қарз суммасининг 0,5 фоизи миқдоридаги пеня билан тўлайдилар.

Нотўғри солинган солиқни бутун ўтган давр учун қайта кўриб чиқилишига йўл қўйилади.

7-модда. Ушбу Қонунни қўлланишга доир йўриқнома

Ушбу Қонунни қўлланишга доир йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ бош бошқармаси томонидан чиқарилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 9 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА БОШҚА ЎЗИЮРАР МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАР ЭГАЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар эгаларидан олинадиган солиқ тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1993 йил 1 февралидан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1 февралгача бўлган муддатда:

— транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар эгаларидан олинадиган солиқ миқдорини белгиласин;

— ҳукуматнинг, вазирликлар ва давлат идораларининг меъёрий ҳужжатларини мазкур Қонунга мувофиқ холга келтирсин;

— қонуннинг қўлланилишини таъминловчи зарур ҳужжатлар чиқарилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 9 декабрь.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

РАҚОБАТ ҚИЛИШГА ТАЙЁРМИЗ

Тошкентдаги «Миконд» заводида биллурни механик усулда силлиқлайдиган янги линия ишга туширилди. Бу ускуналар ГФРда ишлаб чиқарилган. Унда завод тайёрлаётган қандиллар учун биллур қисмлар тайёрланади.

— Бозор эшик қоқмоқда, — дейди корхона бош директорининг ўринбосари Ш. Одилов. — Бинобарин ишлаб чиқарадиган маҳсулотимизнинг сифати қандай бўлишига бефарқ қарай олмаймиз. Ҳозир қандилларнинг ўзидан ўн олти хилини ишлаб чиқарамиз. Уларни харидорлар бажонидил сотиб олишмоқда.

Радиоэлектрон саноати учун деталлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган завод оммавий эҳтиёж моллари ишлаб чиқаришни ривожлантирмоқда. Масалан, бу ерда олтмиш хил турли биллур идишлар тайёрланмоқда. Қандай маҳсулот тайёрланиши бу маҳсулотларга талаб қандайлигига боғлиқ. Шу сабабли бу ерда енгил автомобиллар учун свеча тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Биринчи туркум свечаларни ишлаб чиқаришга муваффақ бўлинди. Свеча деталлари махсус станокларда тайёрланади, айни пайтда кооперация ҳам унутилгани йўқ — свечанинг сопол қисмлари бошқа корхоналардан келтирилади. Ошхонадаги газ плиталарини ёқиш учун рўзғорбоп электр зажигалка ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳар ойда 16 мингта ана шундай маҳсулот тайёрланмоқда.

«Миконд» ҳозирча ҳали уюшмаган бозорда бундай буюмларни ишлаб чиқараётган бирдан-бир корхонадир. Бу ерда синовдан ўтган технология ҳам, машина-ускуналар ҳам, ходимлар ҳам бор. Лекин эртага, рақобатчилар пайдо бўлганидан сўнг заводнинг ҳоли нима кечади? Рақибларнинг пайдо бўлиши, шубҳасиз.

— Шахсан мен ўзим бозор ва рақобат тарафдориман, хусусан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг бир-бири билан рақобат қилиши, яхшироқ, сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқариш учун беллашуви тарафдориман, — дейди заводнинг бош конструктори Г. Васильевская. — Тўғри, яқин орада жиддий рақиблар чиқишига ақлим етмаяпти. Саноат асосида бизникига ўхшаган маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган ишбилармон кишилар топилса, маърифий бозор шаронтида бизнинг ишимизга мадад бўлади, холос. Чунки ишимизни рақиблар ишига қиёслаш, бинобарин, энг мақбулроқ вариантларни излаб топиш имконияти пайдо бўлади. Аммо бунда муаллиф қонун билан ҳимоя қилиниши керак. Ҳозир нима бўляпти? Айрим ҳунармандлар қандайдир йўл билан биз чиқараётган қандилларнинг қисмларини топиб, сохта ҳужжатлар билан гўё улар заводнимизда тайёрланган қандил деб сотишмоқда. Бундай қандиллар бир неча кундан сўнг тўкилиб тушса, истеъмолчилар биздан даъво қилишади... Бундай бозор, бундай «рақобат»нинг ҳеч кимга кераги йўқ.

Чинакам маърифий бозор муносабатларини вужудга келтириш жўн ўтадиган жараён эмас. Бу соҳада маҳсулот ишлаб чиқарувчиларгина эмас, қонун чиқарувчилар, вазирликлар ва идоралар ҳам кўп нарсани ўйлаб кўришлари керак. «Миконд» ходимлари фақат шу кунни ўйлаётгаилари йўқ. Улар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш йўлини излашмоқда. Бундай изланишларнинг сабаби фақат дўкон пештахталарини зарур буюмлар билан тўлдириш эмас.

— Ҳозирги вазиятда жамоани, ходимларимизни сақлаб қолиш ҳам жуда муҳим вазифадир, — деди Ш. Одилов. Шундай вақт келадики, улар жуда зарур бўлиб қолади.

В. ДРАЧЕВ,
ЎзА мухбири.

ҚОНУНЛАР МАЖМУИНИ ҲАММА ЎРГАНСИН

Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ XI сессияси ўзбек халқи тарихида янги сана бўлиб қолади. Ҳар йилнинг 8 декабрини халқимиз байрам қилади, чунки бу куни Мустақил Ўзбекистоннинг илк Конституцияси қабул қилинди.

Бутун республикамизнинг барча меҳнат жамоаларида, олий ўқув юртларида, мактаб ва маҳаллаларда Ўзбекистон Конституциясини ёқлаб тантанали йиғилишлар, митинглар бўлмоқда. Бу қувончли воқеадан бизнинг дорилфунун ҳам четда қолгани йўқ. Дорилфунун профессор-ўқитувчилари иштирокида барча куллиётларда тантанали мажлислар бўлиб, Конституциямизга оқ йўл тиланди.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлар мажмуининг аҳамияти, ўзига хос ижобий жиҳатлари ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин.

Аввало ҳар бир давлат, ҳар бир халқ ўз эркини қўлга олгач, ўз тараққиёт йўлини излайди. Шу маънода Ўзбекистон ҳам миллий давлатга хос бўлган ижтимоий-иқтисодий, маънавий камолот ва тараққиёт йўлини белгиламоқда.

Мақсадимиз демократик ҳуқуқий давлатни, фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир. Биз қурадиган жамият халқимизнинг турмушини, ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаши, миллий қадриятларимиз ва маданиятимиз қайта тикланишини, инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини таъминлаши керак.

Мана шу буюк мақсад ва вазифаларимизнинг барчаси Ўзбекистон Конституциясида ўз ифодасини топган.

Бундан буёнги тараққиёт йўлимизни Конституция белгилаб беради. Чунки ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради.

Янги Конституциямиз жуда кўп ижобий жиҳатлари билан аввалги Конституциялардан тубдан фарқ қилади. **Биринчидан,** Янги Конституциямиз барқарор ва ривожланган бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга асосланган демократик давлатни, фуқаролик жамиятини барпо этишни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайди.

Иккинчидан, Янги Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра тамоман янги ҳуқуқий ҳужжатдир. Унда мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Унинг асосини умуминсоний қадриятлар ташкил этади. Дунёвий неъматлар ичида энг улуғи — инсон деган ғоя илгари сурилади.

Учинчидан, Янги Конституция, инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва қонунийликни ҳурматлаш, халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган қоидаларини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий жамият барпо этиш ва ниҳоят фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни кафолатлаш каби олижаноб мақсадларни белгилаб беради.

• Конституция — оммага

Тўртинчидан, Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясини яратишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатларига. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, халқаро ҳуқуқнинг барча эътироф этган қоидаларига қатъий амал қилинган. Шу билан бир қаторда ривожланган демократик мамлакатлар бўлган АҚШ, Япония, Канада, Олмония, Франция, Португалия, Италия, Швеция, Туркия, Испания, шунингдек шарқ мамлакатлари — Ҳиндистон, Покистон, Миср давлатларининг Конституция тажрибасидан ижодий фойдаланилган. Шу сабабли янги Конституция — зўр сиёсий, ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга эга ҳужжатдир.

Бешинчидан, Янги Конституцияда Ўзбекистонда барпо этилажак ҳуқуқий давлат асосларининг йўл-йўриқлари жаҳон амалиётига суянган ҳолда баён этилгандир.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси — барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлашдан иборатдир.

Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи шуни англатадики, бунда барча жорий қоидалар ва меёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади. Ўз навбатида Конституция ҳам махсус тарзда муҳофаза қилиниши керак. Мана шу мақсадда Республикамиз тарихида биринчи марта Конституциявий суд жорий этилди.

Ҳуқуқий давлатда ҳамма фуқаролар бир хилдаги ҳуқуқ ва эркинликларга эгадирлар. Жинси, ирқи, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар. Бу ҳуқуқий давлатнинг асосий белгисидир. Аммо Конституциядаги қонунларни жамият аъзолари тан олмаса, бу қоидаларга амал қилмаса, Конституция бундай жамиятда ишламайди. Агарда биз илғор демократик мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқсак шунга ишонч ҳосил қиламиз. Бу мамлакатларда ҳамма қонун олдида тенг бўлиш билан бир қаторда, барча ижтимоий табақалар, гуруҳ ва синфлар ижтимоий келиб чиқиши, мансаби ва мартабасидан қатъий назар ҳаммаси Конституция қоидаларига амал қилишади ва бўйсунишади. Шу сабабли демократик мамлакатлар Конституциясини биз кучли деймиз.

Ўзбекистонда янги Конституция тўла маънода халқ орасида ўз ўрнини топиши учун, халққа хизмат қилиши учун, барча аҳоли уни чуқур ўрганиб англаб олиши керак. Халқимизга оддий, бошланғич ҳуқуқий билимлар етишмайди. Ишни мана шу ҳуқуқий билимлар беришдан бошлашимиз зарурдир. Кишилар ўзларининг шахсий эркинликлари, ҳуқуқларини билибгина қолмасдан уни чуқур англашлари ҳам лозим. Бизнинг мақсадимиз демократик ҳуқуқий давлат қуриш экан, демократия ҳам ривожланган, тан олинган жамиятда ривожланди. Демократия бу анархия эмас, демократия бу аввало жамиятнинг ҳуқуқий нормаларга амал қилишидир.

Мустақил Ўзбекистонда биринчи Конституциянинг қабул қилиниши ҳақиқий мустақиллигимизга мустаҳкам пойдевордир.

Ҳозирги даврдаги муҳим вазифамиз Республикамизнинг барча аҳолиси бу Конституцияни мукаммал билишидан иборат. Биз педагоглар бу ишни ўз талабаларимиздан бошладик. Республика олий таълим вазирлигининг қарорига биноан 8 соатлик дарс ҳажмида барча курс, гуруҳларда лекция ва амалий машғулотлар Ўзбекистон Конституциясини ўргатишга қаратилган. Мана шу тадбир ишлаб чиқариш корхоналарида, давлат муассасаларида, маҳаллаларда ҳам амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

М. РАҲМОНОВА,
Тошкент Аграр университети сиёсатшунослик кафедраси доценти.

● БОЗОР иқтисодиётига ўтиш муносабати билан кўпчилик корхона ва ташкилотларда ишчи ўринлари қисқартирилмоқда. Бўшатилган ишчи-хизматчилар иш топишда ёрдам бериш учун ташкил этилган меҳнат биржаларига тобора кўп мурожаат қилмоқдалар. СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳридаги Шайхонтохур тумани меҳнат биржаси (юқорида), биржа директори Лолахон Тожихўжаева иш қидириб келган фуқароларга маслаҳат бермоқда.

Р. АЛЪБЕКОВ суратлари.

Лаборатория тадқиқотлари

ГИДРОЛИЗ саноатида автоматлаштирилган бошқариш тизими ўзининг самарали натижаларини бермоқда. Шу сабабли ҳам бу хил жараёнларни такомиллаштириш тадбирлари кўрилмоқда. Бундай илмий-амалий тадқиқотларни амалга ошириш йўлида «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам мақсадга мувофиқ изланишлар олиб борилмоқда.

Бирлашманинг кимё-технологик жараёнларни автоматлаштириш лабораторияси самарали тадқиқотлари туфайли кузатиш ва ўлчашга мўлжалланган локал автоматик воситалар тизимлари жорий қилинди. Шунингдек марказлаштирилган ўлчаш ва кузатиш тизими амалга оширилди.

Шундан сўнг яна бир йирик тадқиқотга қўл урилди. Юқорида айтиб ўтилган илмий ишланмаларни такомиллаштириш мақсадида гидролиз саноатида автоматлаштирилган бошқариш тизими учун мос келадиган жараёнлар бўйича махсус лойиҳа тайёрланди.

БОЗОР СОТИБ ОЛИНМОҚДА

ОҲАНГАРОНДАГИ янги Кўк бозор шу ерлик мактаб директори, тажрибали ишбилармон Абдуғаффор Сатторов томонидан сотиб олинмоқда.

— Асосий шартномамиз имзоланди,— дейди Абдуғаффор.— Аммо ҳали мен қиладиган анча ишлар бор. Бозорда санитария ҳолатини яхшилаш, мева ювиладиган, транспортлар қўйиладиган жойлар қилаётирмиз. Шунингдек бу ерда ошхона ва чойхона ҳам ишга тушади. Ана шу ишларни қисқа муддатда битириб олсак, бозор бутунлай менинг ихтиёримга ўтади.

Бозорда харидор ва сотувчилар учун ҳам қулай имкониятлар бўлгани каби савдода ҳам қатъий назорат ўрнатилади.

М. ҚАЮМОВ.

• Шифокорлар ҳақида ҳикоялар

МЕҲР КЎЗИ БИЛАН

БУНДАН ўн йилча бурун уни Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти тизимига қарашли Янгийўлдаги юрак ва асаб хасталиклари санаторийсига бош шифокор этиб тайинлашганида бу ерда фақат 250 ўринга эга бўлган беш қаватли ётоқхона биносигина бор эди, холос. Мазкур бинони ҳам жуда узоқ — роппароса тўққиз йил давомида қуриб битиришганди. Етмишинчи йилларнинг бошларида бу ерда шифобахш минерал сувнинг жуда катта захиралари борлиги аниқланди. Сувни ер юзасига олиб чиқиш учун пармалаш ишлари қизғин авж олиб кетди. Чуқурлиги 1792 метрдан иссиқлиги 69,72° бўлган сув отилиб чиқди. Шифобахш сув жиловлаб олинди. 1974 йилдан бошлаб қурилиш ишларига киришилди. Юқорида эътироф этиб ўтганимиздек, қарийб ўн йил мобайнида фақат биргина ётоқхона биносигина қурилди-ю, бошқа иншоотлар туя гўшти егандек, ҳар бири ўзининг жой-жойида тўхтади-қолди...

Катта ҳаёт ва меҳнат тажрибасига эга бўлган Миродил ака Мираҳмедов санаторий раҳбарлигини қабул қилиб олар экан, энг асосий ишни қурилишларчала қолиб кетган иншоотларни зудлик билан қуриб, ишга туширишдан бошлади. Бир неча ой давомида ошхона, клуб, даволаш корпусларини қуриш, пардозлаш ва ишга туширши юмушлари ниҳоясига етказилди. Дам олиш уйи вазифасини ўтаган илгариги бинолар қайтадан таъмирланиб, улардан ҳам ётоқхона сифатида фойдаланиш учун имконият яратилди. Биз, Миродил ака Мираҳмедовни катта ҳаёт ва меҳнат тажрибасига эга бўлган инсон деб бежиз айтмадик. У 1963 йилда Тошкентдаги фармацевтика, яъни доришунослик давлат олийгоҳини тугаллагач, аввалига Тошкент шаҳридаги 254-дорихона бошқарувчисининг муовини бўлиб ишлади. 739-дорихонани бошқарди. Жумҳурият соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари лавозимига кўтарилди. Ҳамма ерда ҳар ишни виждонан, ҳалол уддалади. Ўрни келганда қаттиққўл раҳбар бўлди, зарур бўлганда эса одамларга, қўл остидаги кишиларга дилкашлик, кўнгилчанлик қилди. Хуллас, қаерда, ким бўлиб ишламасин, ўша жойда ўзидан яхши ном, ўчмас из, ҳаёт тажрибаларини қолдирди. Тадқиқот билан узоқ йиллар шуғулланиб, тиббиёт фанлари номзоди деган илмий даражага эга бўлди.

Санаторий қисқа муддат ичида нафақат жумҳуриятимизда, балки бутун Ўрта Осиёдаги энг машҳур шифо масканларидан бирига айланди. Қирқдан ортиқ турдаги даволаш усулларини қўллаш кенг йўлга қўйилди. Ҳакимлар ва ўрта тиббиёт ходимлари, ошпазлар, хизматчилар қайтадан ганланди. Кўзи ожиз ногиронларнинг руҳиятини англай оладиган, уларнинг қалбларига тезкорлик билан йўл топиб, кириб бора оладиган ходимлар ишга таклиф қилиндилар. Шунинг учун ҳам бу ерда одамларга жуда ширин муомала қилишади. Яхши муносабатда бўлишади. Ҳар бир кишига алоҳида аҳамият ва эътибор беришади. Бу ерга келувчиларга ҳақиқий меҳр кўзи билан қарашади.

Асосий бинодаги хоналар икки ва бир кишилик бўлиб, барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Хоналар ёғоч кроватлар, юмшоқ ўриндиқлар билан жиҳозланган. Ҳар бир хона радиолаштирилган бўлиб, аксарият хоналарда телевизорлар ҳам мавжуд. Эски бинолардаги шароитлар ҳам айтарли даражада янги бинодагидан қолишмайди. Бу ерда хоналар икки ва тўрт кишилик. Бинонинг ичида барча асосий имкониятлар ва шарт-шароитлар туғдирилган. Асосий бинонинг ўзидан галереялар орқали ошхона, даволаш корпусига ўтилади. Клуб ва кутубхонага чиқилади.

Иқтисодиётни бошқаришнинг бозор муносабатлари жараёни барча соҳаларда бўлгани сингари шифо масканларини, шу жумладан, бизнинг жамиятимиз тасарруфидаги санаторийни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Энг аввало йўлланмаларнинг баҳоси давр талаби тақозоси билан бир неча ўн баравар ошиб кетди. Табиийки, бундай бўлгач, ҳамма ҳам йўлланма ололмайди ва санаторийга бора олмайди. Санаторий эса тўрт юздан ортиқ ўринга эга. Жамиятимизнинг аъзолари ва меҳнатчиларига-ку баҳолиқудрат бериб туришибди. Уларга, албатта йўлланмалар пулсиз ва имтиёзли тарзда берилади. Йўлланмаларнинг асосий катта миқдордаги қисмини эса, бошқа ташкилотларга, корхоналарга, муассасаларга сотиб юборишга тўғри келмоқда. Шунисига қатъий кафолат бера оламизки, ўз ходимлари ва ишчиларининг саломатликларини яхшилаш учун қайси бир раҳбар имконият топиб, журъат билан бизнинг йўлланмаларимизни сотиб олишга жазм этса, сира ҳам янглишмаган, хатога йўл қўймаган бўлади.

Бош шифокор ҳам қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. У фақат Янгийўл шаҳри, туманидаги ташкилотлар, хўжаликлар билангина эмас, балки Тошкент шаҳри, вилоятдаги корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, давлат ва жамоа хўжаликлари билан шартномалар тузиб, йўлланмаларни тақсимлаш. Бунинг эвазига санаторийга озиқ-овқат топиб келмоқда. Даволаш ишларини намунали йўлга қўймоқда.

Ишбилармонлиги, тадбиркорлиги, одамларга меҳрибонлиги Миродил акани халққа, эзу юртга танитди. Обрўли, эътиборли қилди. Умр йўлдошининг бевақт ўлими унинг зиммасига яна ҳам оғир, масъулиятли вазифани юклади. Тўрт фарзандини, яъни уч қиз бир ўғилни ўстириб, вояга етказди. Уларга ҳам ота, ҳам она бўлиб, меҳр, ақл-заковат ва идрок берди. Оталик ҳиссиёти, бурчи ва масъулиятини бундай оғир ҳолатда ҳар қандай одамга юклаш ғоятда мушкул. Бунинг учун инсонга жуда улкан сабр-бардош, матонат, ғайрат, шижоат, кучқувват, катта ирода зарур бўлиши барчамизга беш қўлдай аён. Ҳаётнинг шу қадар оғир юкини елкасида дадил кўтара олган, намунали ва ибратли ҳаёт кечираётган Миродил ака Мираҳмедов умрининг қарийб ярмидан кўпини инсонлар ишига, уларнинг сиҳат-саломатлигига бағишланганидан ғоятда бахтиёр. Бу умрнинг айниқса, бизнинг санаторийимиздаги салкам ўн йиллик қисми чинакам меҳнат билан йўғрилгандир. У ўз жамоаси билан санаторий қошида ходимлар учун уй-жойлар, уларнинг фарзандлари учун боғча ва яслилар, жамиятимиз аъзолари ва меҳнатчиларининг фарзандлари учун эса, худди ҳозиргидай шифо маскани қуришни аллақачонлароқ режалаштириб қўйган. Ҳозирча режанинг ижобий тарзда амалга ошишига бозор муносабатларининг қийинчиликлари ва тақчилликлари ҳалақит бериб турибди. Бироқ биз доимо ишониб, интилиб, умид қилиб келганмиз. Келинг, яхши кунларнинг яқинлиги, барча интилишларимиз, умидларимиз яқин келажакда рўёбга чиқишига, амалга ошишига ишонч билан яшайверайлик.

Жўшқин ва самарали меҳнат Миродил ака Мираҳмедовнинг кўксига ўз вақтида собиқ иттифоқнинг «СССР соғлиқни сақлаш аълочиси» фахрий нишонини тақди. Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти ташкил топган кунга 60 йил тўлиши муносабати билан у мустақил Ўзбекистон жумҳурияти Президентининг фармонига биноан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» фахрий унвони билан тақдирланди. Биз ҳам унинг қалбига энг яқин бўлган кишилар, қадрдон дўстлари ва меҳрибон ўртоқлари қатори олий мукофот — юксак унвон муборак бўлсин, Миродил ака деймиз.

Акбар ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Бухоро вилояти бошқаруви раёсатининг раиси.

ҚЎЛИНГ БАЛАНД БЎЛСИН, ЎЗБЕК ДИЁРИ!

... Тошкент телеминораси атрофида жойлашган ҳовлиларининг бирида бир туп нок дарахти савлат тўкиб туради. Бу дарахтнинг қачон экилганлигини ҳеч ким аниқ билмайди. Баъзи бир қўни-қўшнилар унинг умрини бир аср билан ўлчасалар, бошқалари нари борса етмишсаксон ёшга борган, деб айтадилар. Бир пайтлар биринчи бор шу дарахтни кўрганимда, унинг соҳиби бўлмиш оила ночор ҳаёт тебратар эди. У пайтларда, эҳтимол, она табиат инъом этган неъматларни бозорга элтиб, сотиш айб ҳисобланганидир. Шунинг учун ҳам бу нокнинг роҳатини маҳалла болалари кўрар, катта ёшдаги қўни-қўшнилар ҳам ундан бебаҳра қолмас эдилар. Аммо бора-бора эски урф-одатлар унутилиб, шаҳарликлар ҳам, қишлоқ аҳли ҳам ўз рўзғорларини тебратиш илинжида болаларнинг ризқ-насибаси бўлмиш неъматларни бозорга элта бошладилар. Эски уйлар бузилиб, янги, замонавий иморатлар тушди. Кейин янги машина пайдо бўлди. Қадди лол бўлиб юрган хонадон соҳибларининг кўкраги ғоз бўла бошладди... Бу ўзгаришларнинг бари ўша бир туп нок орқасида кечди.

Агар шу нок дарахти бундан юз йил аввал экилган бўлса, уни эккан боғбон: «Илоҳим, ўсиб унсин, ширин меваларберсин, унинг ҳузурини мен кўрмасам, фарзандларим, улар кўрмаса, уларнинг фарзандлари кўрсин!» — деган сўзларни кўнглидан ўтказгандир. Ҳар ҳолда у ўша пайтда ёш ё кекса бўлганми, нокнинг кеч ҳосилга киришини билган. Шунинг учун ҳам у аввал ўзини эмас, невараларини, авлодларини ўйлаган.

Бугун биз янги бир давлатнинг уруғини қадаб қўйиб турибмиз. Бу уруғдан унгб ўсган давлат ҳузурини биз эмас, худо хоҳласа, невараларимиз кўради. Шунинг учун ҳам эртапишар давлат уруғини эмас, бояги нок сингари кеч ҳосилга кирса ҳам кейинги асрлар давомида савлат тўкиб турадиган, қанчадан қанча авлодларни хуштаъм мевалари билан баҳраманд этадиган асл навни танлашимиз керак. Зеро, давлат дарахтини ҳар ўн-йигирма йилда суғуриб ташлаб, бошқасини экиб бўлмайди.

Сўнгги икки йил оддий йиллар эмас, улар гарчанд қонли XX асрга мансуб бўлса-да, аслида мутлақо янги тарихий даврнинг дастлабки саналари бўлди. Бу давр тарихга даставвал мустақиллик даври сифатида киради. Шунинг учун ҳам бизнинг янги барпо этажак давлатимиз, аввалги сиёсий-иқтисодий тузумдан илдизлари билан ҳам, мевалари билан ҳақ фарқланиши лозим. Ҳолбуки, демократияни анархия деб тушунган Россияда ҳам, бизда ҳам эски тузумнинг тирилишини хоҳлаётган кишилар оз эмас. Россияда-ку, аллақачон нафақат КПССни, балки унинг отаси ВКП(б)ни тирилтиришга уриниб, унинг бош котиби бўлиб олган Нина Андреевадек ташқарида қайси аср шабадаси эсаётганидан хабарсиз кимсалар бор. Яқинда бу сохта саркотиб ўзи «бошчилик» қилаётган ВКП(б)нинг асосий вазифаси собиқ СССРни тиклашдир, деб эълон қилди. «Аргументи и факти» газетасининг «Иттифоқни қандай йўл билан қайта тиклаш керак», ишонч уйғотмаётган регионларга қўшин киритиш биланми?» деган саволига у бундай жавоб берди: «Қўшин киритиш шарт эмас. Аммо умумий сиёсий стачка йўли билан (халқлар устидан ҳақорат бўлган горбоқурилиш авж олган пайтдаги) СССР тасарруфида Совет ҳокимиятини тиклаш зарур». Н. Андреева ўтган йилнинг сўнгги кунларида Ставрополь ва Краснодар ўлкаларига бориб ўлик СССРни тирилтиришга қаратилган «тадбирлар» ўтказиб қайтди. Ўзларининг коммунистик дунёқарашларидан воз кечолмай куни кеча эга бўлган имтиёзлари тушларига кириб чиқаётган бу кимсалар ҳали ҳам ВКП(б) — КПССни тиклаш билан собиқ СССРни тирилтирмоқчи, бугун мустақилликка эришган жумҳуриятларга яна қизил кишанларни кийдирмоқчи бўлиб турибдилар.

Уларнинг СССРни тиклаш йўлидаги бирдан бир умидлари — «умумий сиёсий стачка» бугун Кавказ жумҳуриятлари ва Тожикистонда рўй бераётган воқеалардан ўзга нарса эмас. Улар шундай фожеали ҳолатнинг бошқа «ишонч уйғотмаётган» регионларда ҳам содир бўлишини истамоқдалар. Бугунги иқтисодий тангликнинг юзага келишида ҳам уларнинг иштирокини йўқ, деб бўлмайди.

Жаҳонгашта ёзувчи Чингиз Айтматов бундан бир неча йил илгари Швеция, Швейцария сингари мамлакатлардаги бизнинг тушимизга ҳам кирмаган фаровонликни кўриб, коммунизм деганлари шу бўлса керак, деб айтган эди. Моддий фаровонликни марксизм-ленинизм сингари таълимотлар ҳам, бундай таълимотларни ўзига байроқ қилиб олган партиялар ҳам эмас, эркинликка эришган, турли таълимотлар ва партиялар кишанидан ҳоли бўлган халқ яратади, халқнинг меҳнати яратади. Фақат жамият шу халқ меҳнатининг қадрига етиши, уни ижтимоий муҳофаза этиши лозим. Меҳнати қадрланган ва шу меҳнатига яраша тўкин ҳаёт кечирган халқгина фаровонликни вужудга келтиради.

Бугунги кунда Туркманистоннинг миллий бойлиги бўлган газ захиралари бу жумҳуриятда бирламчи аҳамиятга молик қатор маҳсулотларнинг арзон нархда сотилишига имкон туғдирган. Қозоғистоннинг бугдойи, Ўзбекистоннинг пахтаси бошқа ер усти ва ер ости бойликлари ҳам бу жумҳуриятлардаги иқтисодий вазиятни юмшатиб турибди. Ҳозир бу жумҳуриятлар раҳбарияти томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсат яқин келажакда икки қардош халқ турмушининг яхшиланишига умид уйғотмоқда. Аммо шу билан бирга бу жумҳуриятларда майда корхоналар ва матлубот ҳаракатини назорат этиш, савдо тармоқларидаги ўзбошимчаликка барҳам бериш, тартиб-назорат муассасаларини соғломлаштириш ва жонлантириш сингари тадбирларни зудлик билан амалга ошириш зарурга ўхшайди. Акс ҳолда, техник спиртдан ароқ ва коньякни, селитрадан шакарни, совундан торт ва пирожний нишолдаларини ясовчи тижоратчилар сони озаймайдиган кўринади.

Бугунги иқтисодий мушкулликлар узоққа бормаса керак. Аммо шу нарса даҳшатлики, ҳозирги иқтисодий вазият халқнинг маълум бир қатламида маънавий тубанлашиш жараёнини тезлаштириб юборди. Пул ва буюмнинг жамиятда мукаддаслашиши кишиларни, айниқса, ёшларни икки гуруҳга ажратиб ташлади. Пули бор одамнинг фақат яхши яшабгина қолмай, бу беш кунлик дунёнинг барча имтиёзларига эга бўлиши мумкинлиги пулдорлар гуруҳининг катта салмоққа эга бўлишини таъминлади. Пулсиз одамнинг, у гарчанд катта руҳий ва маънавий маданиятга эга бўлса-да, пулдор одам қаршисида қадрсизланиши халқнинг интеллектуал фонди — ақлий ҳазинасига салбий таъсир кўрсатади. Жамият ана шу ҳожиёни бутун кўлами билан тушунмас ва унинг олдини бугун олмас экан, эртага кеч бўлади. Ақл-заковат ҳазинаси Орол денгизи сингари қуриган халқнинг жаҳон ҳамжамияти олдида сариқ чақалик обрўси бўлмайди ва бу халқнинг келажагига ҳавас қилмаса ҳам бўлади.

Зиёли халқи ўз қадр-қимматини қанчалик билмасин, ҳозирги маънавий-иқтисодий шароитда яшаб қолиши учун даврга мослашади, тўғрироғи, унинг бир қисми мослашади. Юлғичлашади, худбинлашади, ўз қиёфасини ўзгартира бошлайди. Бошқа бир қисми эса фақат маънавий тубанлик билан эмас, балки ўзининг худбинлашган, юлғичлашган, сурбетлашган бирodарлари билан ҳам курашда толиқади ва ўз мавқеини йўқотади. Шу тарзда халқнинг энг пок сиймолари тарих томонидан юкланган вазифани — халқни олға элтиш ва унинг ор-номуси бўлиб қолишдек муқаддас вазифани бажаришга ярамай қолади. Афсуски, бугун ана шундай куртаклар ниш бериб турибди.

Етмиш йил ҳукм сурган тузумнинг бир яхши жиҳатидан кўз юмиб бўлмайди. У ҳам бўлса маданият ва сиҳат-саломатликнинг давлат томонидан иқтисодий таъминланиши эди. Ана шу устуннинг ҳам қўпориб ташланиши билан халқнинг маданий ва маънавий қиёфасини муайян юксакликда ушлаб турувчи омил барбод бўлди. Газета ва журналлар, нашриётлар тақдири хавф остида қолди. Фақат забардаст ҳомийларгина ҳозирги шароитда маданиятни кейинги вайронгарчиликдан сақлаб қолиши мумкин бўлган кучларга айланди. Китоб дўконларида пайдо бўла бошлаган бўшлиқни эса ишбилармон ноширлар маърифий ва бадиий қиммати шубҳали бўлган рисолалар билан тўлдириб юборди-лар. Сўнгги етмиш йил ичида Абдулла Қодирийлар, Чўлпонлар, Ойбекларнинг тарбиялаб келган нозикдил китобхонлар оммаси парокандаликка учради.

Ҳолбуки, шу китобхонлар оммаси халқнинг пешқадам фарзандлари, маърифат ва маданият чироғбонлари бўлиб, асрлар мобайнида яратилиб келинган илм-маърифат, санъат ва адабиёт нури ҳар бир хонадонда улар туфайли таралиб келади. Улар туфайли кенг халқ оммасига нафосат ва эзгулик уруғлари сочилиб турар эди.

Агар мен маънавий ҳаётимизда рўй берган ва рўй бераётган салбий ҳодисаларни бир оз бўрттирган бўлсам, бу фақат бир истак туфайли— жамоатчилик диққат-эътиборини шу муҳим масалага кўпроқ қаратиш ва кейинги фожеалар олдини олиш истаги билан юз бермоқда. Орол қуриб бўлганидан кейин эмас, у қуриши сезила бошлаган пайтда бонг уриш лозим эди.

Биз бугун ўзбек давлатига тош қўйилган бир даврда яшамоқдамиз. Назаримда бояги боғбондек қулинг ўргилсин бир нашвати нок ниҳолини экиб турибмиз. Шояд бу ниҳол серҳосил бир заминга экилган бўлса-ю, униб-ўсиб яқин орада кўк сари бўй чўзса, чор-атрофга қудратли шох-шаббаларини ёйиб, секин-аста ҳосилга кирса ва авлодларимиз узоқ асрлар мобайнида унинг ширин меваларидан баҳраманд бўлиб яшасалар.

Абдулла Ориповнинг «Ҳикмат садолари» туркумида бундай ҳадис-шеър бор: Расул бир умматини алқаб, қўлинг паст тушмасин, деб уни дуо қилади, аммо уммат бу дуонинг маъносини чақиб тушунмайди. Шунда Расул унга бундай сўзларни айтади:

... Расулуллоҳ деди: — Тингла, эй уммат,
Енган чироғингга дуо пиликдир.
Қўлинг баланд бўлса, билки, бу—неъмат,
Қўлинг паст тушмоғи тиланчиликдир.

Бугун, Янги йил бошида туриб мен ҳам қутлуғ режалар ва умидлар билан яшаётган халқимга: «Қўлинг баланд бўлсин!» дегим келади.

Наим КАРИМОВ.

СПОРТ ҚЎЛЛАНМАЛАРИ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Республика спорт Давлат қўмитаси билан биргаликда жисмоний таълим дарслари самарадорлигига қаратилган тадбирларни кўрмоқда.

Жисмоний таълим ўқитувчиларига махсус тайёрланган қатор қўлланмаларнинг чоп этилиши айни муддао бўлди. Шу ўринда «Кураш», «Ҳаракатли ўйинлар», «Енгил атлетика» каби нашрларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Бундан ташқари «Футбол», «Волейбол», «Баскетбол» деган тўпламлар ҳам босиб чиқарилди.

• *Касаба уюшмаси ва жамоа шартномаси*

МАҚСАДИМИЗ—МЕҲНАТКАШНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Ҳозирги пайтда Мустақил Ҳамдўстлик мамлакатлари билан хўжалик алоқаларининг оёққа туриб кета олмаётгани, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсмаётганлиги, чакана нархларнинг тинмай ошиб бориши, хомашё ва товарлар тақчиллиги, эркин нархлар ва бошқа шу каби жиҳатлардан кўз юмиб бўлмайди. Ишсизлар сони кўпаймоқда. Айрим тармоқларда аҳвол, айниқса, оғир. Шу каби сабабларга кўра, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш талаб этилади.

Шундай шароитда касаба уюшмалари олдида турган бош масала — аҳолини ижтимоий ҳимоялашдир. Шубҳасиз, улар ичида энг муҳими, амалийси жамоа шартномаларидир.

Ҳозирги вазиятда собиқ СССР Қонунларининг кўпи ярамай қолди. Республика Президенти томонидан қатор Қонун ва Фармонлар чиқарилмоқда. Лекин у ҳозирги ҳуқуқий ҳолатни тўла қамраб олиши қийин. Қонунларни нисбатан тўлалигини таъминлаш учун ҳали бир мунча вақт бор. Бу ўринда корхона, ташкилот, муассасаларда тузиладиган жамоа шартномалари — митти қонунлар, ҳозирча ҳаётимизда жуда катта аҳамиятга эга. Маълумки, уни касаба уюшмаси маъмурият билан жамоа тимсолида тузади. Бу митти қонуннинг яна бир муҳим томони ҳар бир корхона, муассасада иқтисодий-ижтимоий вазият ҳар хил, шартнома эса ўша жойдаги моддий-маънавий вазиятдан келиб чиқиб тузилади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳар қандай Қонун ҳозирги ниҳоятда нотекис аҳволни қамраб олиши, таъминлаши амри маҳол. Уни хўжалик, ташкилотнинг ўзига хос митти қонунгина қондириши мумкин. Бугунги мавзуимиз шу муаммога бағишланади. Биз жамоа шартномалари, уни тузиш, шу кунги талаблар ҳақида фикр юритамиз.

Касаба уюшмалари маъмурият билан 1993 йил жамоа шартномалари ва битимларқ белгилаш учун қийин ва мураккаб шароитларда музокаралар олиб бормоқдалар. Ўтган йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолияти кафолатлари тўғрисида» чиққан Қонуни жамоа шартномалари ва битимларини тузишда музокаралар олиб бориш учун ҳуқуқларини мустаҳкамлади. Кенгроқ қилиб айтганда, улар маъмурият олдига меҳнат шароитини яхшилаш, иш ҳақини ошириш, меҳнат ва ишлаб чиқариш техника ҳавфсизлиги, уй-жой шароитларини яхшилаш, ижтимоий суғурта, меҳнаткашлар соғлиғини муҳофаза қилиш, шунингдек, нафақа таъминоти бўйича талаблар қўйишлари мумкин. Жамоа шартномасига тайёргарлик, уни ишлаб чиқиш ва тузишда қуйидаги қоидаларни, албатта, бажариш зарур.

Маъмурият ва касаба уюшмасидан бир хил сонда комиссия тузилиб, унга бўйруқ-қарор чиқарилади. Комиссия аъзолари, шунингдек, мутахассислар, яъни комиссия ишида иштирок этишга таклиф этилганлар ўртача иш ҳақлари сақланган ҳолда асосий ишларидан озод этилади.

Касаба уюшмаси қўмитаси меҳнаткашларнинг таклиф ва мулоҳазаларини ўрганади, лозимларини жамоа шартномаси лойиҳасига киритади.

Комиссия томонидан ишлаб чиқилган жамоа шартномаси лойиҳаси жамоада кўриб чиқилади. Билдирилган таклиф ва мулоҳазалар киритилиб умумий мажлис (конференция)да муҳокама этилади.

Жойларга борганимизда касаба уюшмалари фаоллари 1993 йил жамоа шартномасига қандай масалаларни киритиш керак, деган саволларни берадилар. Маъқул гап. Чунки ҳар бир даврнинг, вақтнинг ўз талаблари бор.

Шубҳасиз, касаба уюшмаларининг талаби ҳар бир алоҳида корхона, ташкилот, муассаса, жамоанинг шарт-шароитлари ва ижтимоий-иқтисодий вазиятдан келиб чиқади. Шу билан бир қаторда касаба уюшмалари талаблар қўйганда замон зайли билан пайдо бўлган долзарб муаммоларни тўла қамраб олиш учун ҳаракат қилишлари керак. Энг асосийларидан бири ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишига, ишсизликка йўл қўймаслик. Таназзул, корхонанинг қайта ташкил этиш ёки тугатиш даврида ишсизлик ҳавфи доимо бўлади. Шунинг учун, жамоа шартномасига шундай фикрни киритиш тавсия этилади: корхона тугатилса, ишлаб чиқариш тўла ёки қисман тўхтатилса уч ой олдин ишчи-хизматчилар огоҳлантирилиши, зарур бўлса, уларнинг ихтисосларини ўзгартириш, ишга жойлашишларига ёрдам берилсин. Штат қисқариши билан ишдан бўшатилган кишиларга кафолатдан ташқари, уч ой мобайнида маош, унинг қарамоғида бўлган оила аъзоларига ойлик маош миқдорида 2 ойлик пул берилиши шартларга ёзилса айни муддао бўлади.

Агар шу корхонада 10 йилдан кўп ишлаган бўлиб пенсия ёшига 5 ва ундан кам йил қолган бўлса бундай кишиларни штат қисқариши билан ишдан бўшатилишига асло йўл қўймаслик керак ва буни шартнома, битимда алоҳида банд билан мустаҳкамламоқ даркор.

Булардан ташқари, жамоа шартномасида шу нарса ҳам кўзда тутилиши керак: маъмурият штат қисқариши муносабати билан ишдан бўшатиладиган ходимларга, иш қисқариши учун иш ҳақи сақланган ҳолда кунига 2 соат ишдан озод қилсин. Албатта, бу ерда ишлаб чиқариш шароитлари ҳисобга олиниши керак. Шу билан бир қаторда ходимнинг истаги билан ўша озод соат ёки кунларни ҳафта ёки ой охирида жам қилиб олиши мумкин.

Жамоаларда уй-жойларни хусусийлаштириш муаммоси кескин вазиятни туғдирди. Ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, фан ходимлари, маданият, санъат ходимларига уй-жой текинга берилаяпти, лекин ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этган ишчилар, қурувчиларга текин берилмаяпти. Жамоа шартномаси шундай имтиёзли ҳужжатни митти қонун орқали расмийлаштириши мумкин. Уни корхона, ташкилот жамоа шартномасига қўйилиб тасдиқланса уйларни текинга ёки имтиёзли қилиб бериш мумкин бўлади.

1992 йилнинг 19 августида Республика президентининг уй-жойларни хусусийлаштириш муносабати билан кам таъминланган аҳоли табақаларини ижтимоий ҳимоялашнинг қўшимча чоралари тўғрисидаги Фармони эълон қилинган эди. Шу Фармонга асосланиб касаба уюшмалари қўмиталари жамоа шартномаларида бу табақадаги кишиларга қўшимча имтиёз ва кафолатлар белгиласа айни муддао бўлур эди. Урушда ҳалок бўлган жангчилар оиласига, ногиронлар, кўп болали оилалар, етимлар, боқувчисини йўқотган оилалар, Чернобиль авариясини тугатишда иштирок этганлар ва шу каби ларга корхона, ташкилотларга қарашли уйларни бепул хусусийлаштириб бериш ҳақида банд киритилса савобли иш бўлади.

Жамоа шартномаси тузиш учун музокаралар олиб борилганда шубҳасиз иш ҳақи масаласида тортишувлар кўп бўлиши турган гап. Бош масалалардан бири десак, хато бўлмас. Бу ўринда касаба уюшмаларининг нуқтаи-назари халқ манфаатидан келиб чиқади. У хўжалик ҳисобига асосланиб пировард натижага кўра, бажарилган ҳажм ёки хизматга қараб миқдори чегараланиши керак. Энг кам миқдори эса кам эҳтиёж даражасидан оз бўлмаслиги, оилани тебратишга етадиган бўлиши даркор. Корхона ҳисобида маблағ етмаса маъмурият кредитлар ҳисобига белгиланган муддат ва миқдорда бериши лозим. Лекин Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам миқдордан оз бўлмаслиги керак.

Иш бўлмаслиги, мажбурий бўш туриш ҳолати юз берса, ходимларга таътил бериш мумкин. Лекин мажбурий иш тўхташи бўлганда иш ҳақи тўланади ва у қуйидагича бўлиши даркор:

— биринчи ойда ўрта маош ҳажмида;

— кейинги ойда тариф ставкаси;

— бошқа шароитларда келишув бўйича.

Касаба уюшмаларининг вазифаларидан бири кишиларни ижтимоий ҳимоялаш ва у орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш, жойларда мўътадил ижодий муҳитни яратишдир. Озиқ-овқат маҳсулотлари, умуман, барча товарлар, транспорт ҳақи ҳамма-ҳаммасининг нархи ошиб кетди, яна ошиб бораверишга кутилмоқда. Бундай вақтда командировкага боришнинг ўзи бўлмайди. Шу сабабдан жамоа шартномасида иши кўп юриш билан боғлиқ кишилар, шунингдек, командировкага борувчиларнинг чиқимини ўз вақтида ва тўла бериш масаласи ҳам акс этиши лозим.

Касаба уюшмаси қўяётган талаблардан яна бири энг кам вақт таътилга чиқадиганларнинг дам олиш кунларини кўпайтириш бўлиб, 24 кундан кам бўлмаслигига эришиш. Бу транспорт корхоналари, қурилиш ташкилотлари, коммунал-маиший хизмат корхоналари ва бошқа қатор тармоқларда яхши йўлга қўйилаяпти. Бундай тажрибани оммалаштириш мақсадга мувофиқдир. Шуни ҳам қайд этиш керакки, ҳозир меҳнат таътили тўғрисида қонун йўқ. Меҳнат таътили жойларда жамоа шартномаси орқали бошқарилмоқда. Деярлик ҳар бир корхонанинг бу борада ўз Қонуни бор, у ҳам бўлса жамоа шартномасидир.

Ўрни келганда, шуни ҳам қўшимча қилиб айтиш керакки, номеҳнат қиладиган ходимлар, оғир ва зарарли шароитда ишлайдиганлар, ўта оғир ва зарарли жойда узоқ йил ишлаганларга, шунингдек, икки ва ундан ортиқ фарзанди бўлган оналарга қўшимча таътиллар беришни ҳам унутмаслик керак.

Яқин кишиси қазо қилганда, янги уйга кўчиб ўтганда, тўй бўлганда, фарзанди 1-синфга борганда ва бошқа шу каби ҳолларда ижтимоий таътиллар беришни ташкил этиш ҳам фойдадан ҳоли эмас.

Жамоа шартномаси тузиш олдидан меҳнаткашга имкони бўлган турли кафолат ва имтиёзларни яратиб бериш юзасидан пухта ўйлаб иш қилинса айни муддаодир. Маъмурият қайси табақадаги кишиларга корхона маблағи ҳисобидан тураржой, электр энергия, газ, сув учун пул тўлай олади, бу масала бор! Балки қиш учун ғамланадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун маълум пул ажратилар?! Камтаъминланган оилалар, кам машғули ота-оналарга мактабгача тарбия муассасалари учун корхона ҳисобидан пул тўлаб бориш, ходимларга корхона ҳисобидан қанча моддий ёрдам бериш мумкин бўлади, буларни ўйлаб кўриш керак.

Тақчиллик даврида талаб даражасидаги умумий овқатланишни ташкил этиш учун жамғармадан пул ўтказиш масалалари ҳам муҳим. Ишчи-хизматчи кун бўйи тер тўкиб ишласада ейиш-ичишнинг мазаси бўлмаса уларнинг соғлиғига салбий таъсир этади.

Касаба уюшмаси жамоа шартномасини тузганда меҳнатни, меҳнаткашлар соғлиғини муҳофаза қилиш, ижтимоий таъминот масалалари, лозим маданий ва спорт иншоотларининг яхши ишлашини талаб этишда қатъийлик кўрсатиши керак.

Тиббиётда пулсиз хизматни пулли қилиш ҳаракати кучайиб бормоқда. Айрим жойларда бу хизмат ниҳоятда қиммат бўлмоқда. Шуни ҳам тан олиш керакки, меҳнаткашлар соғлиғини муҳофаза қилиш кўп жойларда жамоа шартномаларида дадил қўйилмоқда. Уларни молиявий томонларини ҳисобга олиб иккига бўлиш мумкин. Биринчиси, санаторий, пансионат, дам олиш уйи учун йўлланмаларни текин, қисман пулли 15 фоизли қилиб беришдир. Ҳозир ўртача ҳар 100 ишловчига юқорида кўрсатилган имтиёзлар учун 14—16 минг сўм сарфланаяпти. Ўз санаторий-профилактор и йси бўлган корхоналарда бу рақам 3—4 баробарга кўп бўлмоқда.

Иккинчиси, лозим иш шароитини яратиш учун маблағ ажратиш, чунончи, ходимларнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда даволанишлари учун физиотерапевтик кабинетлар иши, корхонага қарашли дам олиш жойлари ташкил этиш зарур. Уларни яхши фарқлаш лозим ва жамоа шартномаларига бу масалалар қатъийлик билан киритилмоғи керак.

Айрим корхоналарда янги иқтисодий муносабатлар билан янги имтиёзлар жорий этилмоқда. Масалан, Оҳангарон цемент ишлаб чиқариш бирлашмасида жамоа шартномасида ҳар бир ишловчининг бир йилда 12 кун санаторий-профилакторийда соғломлаштириш шарти қўйилди. Энг қувончлиси, шундаки, меҳнаткаш шунча кун дам олиб соғлиғини тиклайди ва бу кунлар учун иш ҳақи сақланади. Табиийки, бу ишловчилар ўртасида касалланишни камайтиради, маблағлар ва иш кунлари йўқотилишига маълум даражада чек қўйилади.

Шуни яна бир бор таъкидлаш керакки, вилоят касаба уюшмалари кенгаши ижтимоий ҳимоянинг ҳимлигини ҳисобга олиб, имтиёзларни жойларда жорий этиш мақсадида ташкилотларга ҳуқуқий, ташкилий ёрдамлар бермоқда. Бу эса ўша мақсадларга ажратилган маблағларнинг тўла ва тўғри сарфланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Жамоа шартномалари тузиш ва унга талаблар ҳақида фикр-мулоҳазалар кўп. Лекин биз асосийларини билдириб ўтдик. Шу кунларда жойларга бориб жамоалар, касаба уюшмалари фаоллари билан суҳбатлар уюштирмоқдамиз. Кўпчиликни қизиқтираётган саволларга жавоблар берамиз. Бу жараён янги йилнинг дастлабки ойларида ҳам давом этади.

Д. ЖАҲОНГИРОВА,
вилоят касаба уюшмалари кенгашининг раиси.

• *Адабий мерос*

ТАРЖИМАЧИЛИГИМИЗНИНГ ТОНГ ЮЛДУЗИ

УЗОҚ манзиллар сари сафарга чиққан аждодларимиз юлдузларга қараб, юлдузлар кўмагида адашмай, тўғри йўлдан боришга қодир бўлишган. Юлдузлар жилвасидан шуури ёришиб турган сарбонлар туфайли карвонлар кўзланган жойга етиб борарди. Бугун эса бизлар бундай қобилиятдан маҳрумиз. Зеро 70 йил давомида бошимиз узра чарақлаган ёритгичлардан узоқлашдик. Тарихимиз осмонидаги ёркин юлдузлар ҳам қора булутлар ортига беркинтилгани учун ўз йўлимиздан оғиб кета бошладик. Ҳайриятки, ўзгариш шамоллари булутларни тарқатди, осмонимиз тиниқлашди, юлдузларимизни қайтадан кашф этишга киришдик ва аждодларимиз юрган, очган йўллардан боришга интилаяпмиз.

Абулҳамид Сулаймон ўғли Юнусов — Чўлпон (1897—1938) ҳам тарихимиз кўкида порлаган ёркин юлдузлардан биридир. Чўлпон — Тонг юлдузининг номи. Истеъдодли, ижоди ўз тахаллусига ҳар томонлама монанд бўлган бу улуғ ижодкор адабиётимиз, санъатимиз учун янги тонгларни бошлаб келди.

Чўлпон — аввало шоир. У XX аср ўзбек шеъриятининг тилини яратди, янгича шеър техникасини қарор топтирди, янгича руҳ олиб кирди. Усмон Носир, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Миртемир, Абдулла Орипов, Рауф Парфи ва яна кўплаб шоирларнинг шеърларида Чўлпон шеъриятининг излари борлиги бежиз эмас.

Чўлпон моҳир насрнавис, уста драматург, зукко адабиётшунос ҳамдир. Унинг қисса ва ҳикоялари, «Кеча ва кундуз» романи, «Ерқиной», «Ўртоқ Қаршибоев» каби драматик асарлари, адабий танқидий мақолалари тегишли соҳалар бўйича янги тамойиллар, янги қирралар пайдо бўлишига хизмат қилди. XX аср бошларидан янгиланиш босқичига кирган адабиётимиз, санъатимизнинг кўпгина йўналишлари бўйича биринчилик Чўлпонга насиб этгани айни ҳақиқат.

Юлдуз сингари серқирра истеъдод соҳибининг яна бир фаолият қирраси унинг таржимонлигидир. Чўлпоннинг бадиий таржима бобидаги фаолияти ҳам унинг ўз ижодиёти янглиғ серқирра ва бетакрордир. 20—30-йилларда ҳеч ким Чўлпончалик кўп ва соз таржималар яратган олган эмас. У XX аср ўзбек таржимачилигининг асосчиси деб номланишга ҳар тарафлама муносибдир.

Чўлпоннинг пешқадам таржимон бўлганлигига муайян сабаблар бор, албатта. У араб, форс, турк, татар, рус, немис тилларини мукаммал билган, ҳам шарқона, ҳам европача таълим кўрган, Машриқу Мағриб адабиёти, санъати, фалсафаси бўйича чуқур билимларни эгаллаган зиёли эди. Айни пайтда турли бўҳтону маломатларга дучор қилинган адибнинг ўз асарлари чоп этилишига тўсқинлик кучли эди. Шу боисдан Чўлпон ўз ижодий ниятларини таржималарда ифодалашга ҳаракат қилди ва ажойиб, гўзал ўгирма асарлар яратди.

Юқорида айтганимиздек, Чўлпон аввало шоир эди. Унинг таржимонлик мероси ҳам ўзбекчалаштирилган шеърлар, масаллар, достонлар катта ўрин тутади. Р. Тагор, Х. Ҳайне, А. Пушкин, А. Блок, Э. Верхарн, Э. Потье каби шоирларнинг шеърлари, И. Крилов масаллари, А. Лоҳутийнинг «Оврупо сафари», «Кремль» достонлари, Л. Сайфуллиннанинг «Ичкари» сочма шеърлар тўплами... Чўлпон бу ларнинг ҳаммасида ўз ижодий ғоявий қарашлари, мақсадларига уйғунлик, ўхшашлик борлигини ҳис қилганлиги туфайли ўзбекчалаштиргани аниқ. Хусусан, 1926 йили ёзувчи Лолахон Сайфуллинанинг «Ичкари» (ўзбек хотин-қизлари турмушидан олинган сочма шеърлар) асари ўзбек тилида босилиб чиққан. Чўлпон ўз таржимасига шу тарзда дебоча илова қилади:

МУТАРЖИМДАН

Лолалар дардини англаган Лола,
Лолалар тилидан қилибсан нола,
Лолалар ноласи аччиқ бўлса ҳам,
То қалбдан келгувчи санчиқ бўлса ҳам,
Тинглаб келган эди карқулоқ девор,

Эркакнинг ўзидек у нўноқ девор,

Эйди бу нолангни жаҳон тингласин.

Дилларда бор эса виждон тингласин.
Виждонга ишонган имон тингласин,
Яъни у муҳтарам инсон тингласин.
Мен ҳам қаламимни аламга солиб,
Шеърий қувватимни қаламга солиб,
Нолангни қалбимга кўчирдим, Лола,
Эй, лола тилидан қилғувчи нола...

ЧЎЛПОН.

1925 йил, 15 ноябр. Масков.

Аёнки, ушбу мисралар Чўлпоннинг «Шарқ қизи», «Мен ва бошқалар», «Наврўз кунида», «Бинафша» каби ўзбек хотин-қизлари турмушидан таъсирланиб ёзган шеърларига ғоят ҳамоҳанг, уларнинг узвий давоми сингари ўқилади.

Чўлпоннинг ўзи яратган насрий асарлари миқдоран унча кўп эмас. Лекин у ўзбекчага ўгирган наср намуналари таржимонлик меросининг катта қисмини ташкил этади. А. Пушкиннинг «Дубровский», Н. Гоголнинг «Шинель», «Иван Иванович билан Иван Никифорович ораларида бўлиб ўтмиш низолар ҳикояти» қиссалари, М. Горькийнинг «Она» романи, Р. Тагор, И. Тургенев, А. Чехов, Л. Андреев, И. Франко, Серафимович, Е. Зарт, П. Орешин каби адибларнинг ҳикоялари Чўлпон таржимасида китобхонларга туҳфа этилган, мумтоз намуналар сифатида айримлари ўша йиллардаёқ қайта-қайта нашр қилинган.

Маълумки, асримиз бошларида ўзбек ижодкорлари театр санъатига алоҳида эътибор берганлар. Беҳбудий, Фитрат, Ҳамза, Хуршид, Ғулом Зафарий каби адиблар томонидан ўзбек драматургиясининг илк намуналари яратилган эди. Чўлпон ҳам театр санъати соҳасида қизғин фаолият кўрсатди. Ҳам драматург, ҳам санъатшунос, ҳам саҳна асарлари таржимони сифатида ижод қилиб, ўзбек театри камолоти учун катта ҳисса қўшди. Аввало, Чўлпон ўзбек театрининг ташкил этилиши ишларида фаол қатнашганлигини таъкидлаш жоиз. Хусусан, у 1923 йили «Турон» театри ҳамда Ўзбек давлат театри труппаси директори вазифасини бажаради. 1924—1926 йилларда эса Москвада ташкил этилган Ўзбек драма студиясида таржимон, адабий эмакдош ва бадиий раҳбар сифатида фаолият кўрсатади, айни пайтда жаҳон драматургияси тарихидан актёрларга сабоқ ҳам беради.

Чўлпоннинг ўзи ёзган саҳна асарлари билан таржима қилган драматургия намуналари қисматларида маълум ўхшашликлар бор. «Туркистон» рўзномасининг 1924 йил 21 июнь сонида «Ўктам» имзоли муаллифнинг «Бизда босма пьеса тарихи» номли мақоласида шундай сатрларни ўқиш мумкин:

«2-Ҳамид Сулаймон (Чўлпон).

«Ерқиной», «Чўрининг қўзғалиши», «Халил фаранг» (фожиа), «Қулоқ бобо» (кулги), булардан бошқа 5—6 таржима ва табдил этилган асарлари бор. Ҳеч бири бостирилмаган». Мақола муаллифи ўз даврамаслари драматурглари рўйхатидан Чўлпонга иккинчи ўрннни, яъни Фитратдан кейинги жойни муносиб кўради. Саналган асарлардан ташқари Чўлпон томонидан «Муштумзўр», «Ўртоқ Қаршибоев», «Яна уйланаман», «Чўпон севгиси», «Ҳужум» (В. Ян билан ҳамкорликда) каби пьесалар яратилгани ҳақида маълумотлар бор. Афсуски, ушбу намуналардан фақат «Ерқиной» пьесасининг матнигина бизгача тўлиқ етиб келган, зеро бу асар 1926 йили китоб ҳолида нашр қилинган эди. «Ҳужум»нинг эса режиссура варианти бор, холос. Бошқаларининг матнлари сақланмаган. Ҳолбуки, ўша асарлар ҳам саҳналаштирилиб, томошабинлар орасида зўр муваффақият қозонган экан. Фирқа ва меҳнат фахрийси Сулаймон Азимовнинг эслашича, 1928 йили «Ўртоқ Қаршибоев» мусиқали комедияси Самарқандда кўп маротаба қўйилган. Асарнинг бош қаҳрамони Қаршибоев батраккўм раиси, лекин ўзи маишатбоз, ишратпараст йигит. Унинг қабулхонасида бир котиба ва бир машинкачи хизмат қилишади. Бирининг исми Ясана, иккинчисиники Тусана. Асардаги воқеалар асосан учала персонаж иштирокида юз беради. Сулаймон Азимов бу пьеса томошабинларда катта таассурот қолдирганини ҳам эслайди. Афсуски биз комедияни мутолаа қилиш бахтидан ҳозирча маҳрумиз. Балки келгусида пьеса матни топилиб қолса, ажаб эмас.

20—30-йилларда Чўлпон томонидан таржима қилинган саҳна асарлари ҳам ўзбек томошабинлари меҳрини қозонганлиги, театрлар репертуарларидан маҳкам ўрин олганлиги маълум. В. Шекспирнинг «Ҳамлет», Мольернинг «Хасис», К. Гольдонининг «Икки бойга бир қарол», К. Гоццининг «Маликаи Турондот», Н. Гоголнинг «Тафтишчи» («Ревизор»), А. Пушкиннинг «Борис Годунов» каби асарлари, шунингдек А. Файко, С. Третьяков каби драматургларнинг пьесалари Чўлпон таржимасида саҳналаштирилган эди. Китоб ҳолида нашр этилган «Ҳамлет» (1934), «Борис Годунов» (1939) трагедияларининг матнларигина бизгача етиб келган. Қолганлари эса ўша пайтларда нашр этилмаган. Эҳтимол, кейинроқ топилиб қолиши мумкин.

Чўлпоннинг таржимонлик мероси улкан ва ранг-баранг. Унинг таржималарини тўплаб, нашр қилингудек бўлса, бемалол 10 жилдга етиши мумкин. Келгусида буюк ижодкор фаолиятининг ушбу намуналари чоп қилиниб, китобхонларга олам-олам таассурот бахш этади деган умиддамиз. Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номли Адабиёт институтининг таржима назарияси ва адабий алоқалар бўлими ходимлари Беруний номидаги Давлат мукофоти нишондори, филология фанлари доктори, профессор Э. А. Каримов раҳбарлигида бир неча йилдан бери Чўлпон таржималарини тўплаш, уларнинг арабча ва лотинча имлодан ҳозирги ёзувга кўчирилган матнларини тайёрлаш борасида ишлар олиб бориш мақсади. Ҳозирги кунга қадар 50 босма табоқ атрофидаги бадиий таржималар нашрга тайёрлаб қўйилди. Уларнинг чоп этилиши неча йиллардан бери давом этиб келган адолатсизликнинг барҳам топишига, буюк ижодкорга тегишли ҳақиқатнинг юзага чиқишига хизмат қилиши, шубҳасиз. Айни пайтда Чўлпоншунослик кўлами, миқёсининг янада тераиалашуви, кенгайиши ҳам тайин. Халқимиз эса Чўлпоннинг жозибадор, ширали тил билан яратилган таржималарини мутолаа қилишга муяссар бўлади. Мазкур ўгирмалар Чўлпон вафотидан сўнг ҳам нашр қилинмаган тургани ҳолда ҳеч бирида таржимон номи кўрсатилмаган эди. Хусусан, А. Пушкиннинг «Борис Годунов» шеърий трагедияси 1941, 1947, 1957 йилларда Чўлпон таржимаси эканлиги қайд этилмасдан чоп қилинган. И. Криловнинг «Бўрн билан Қўзичоқ» масали кўпчиликка мактаб дарслигидан таниш, деярли ёд бўлиб кетган. Масалнинг айрим мисралари халқимиз орасида иборага айланган. Лекин бу асар таржимони Чўлпон эканлигидан кўпчилик бехабар.

Чўлпон таржималарини ўқир экансиз, ижодкорнинг маҳоратига, сўз зарги сифатида иш юритганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Аслият ва таржима тилларини мукаммал билган Чўлпон турли шеваларимизнинг сўз бойликларидан, кўҳна сўзлардан усталик билан фойдаланган. Масалан, «застава» сўзи ҳозирда ўз ҳолича луғатимизда қолдирилган. Ҳолбуки, Чўлпон ўз даврида бу сўзнинг муқобилини топиб, «тўсқовул» тарзида ўгирган эди. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин, албатта.

Ўзбек бадиий таржимачилиги тарихида Чўлпоннинг ўрни алоҳида, ўзига хосдир. Бу борада ҳам кўп жиҳатлар бўйича биринчилик Чўлпонга тегишлидир. Зеро, у таржимачилигимизнинг ТОНГ ЮЛДУЗИ бўлиб қолаверади.

Тўлқин РАҲИМ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номли Адабиёт институтининг илмий ходими.

МИЖОЗЛАР МАМНУН

● **ЧИРЧИҚДАГИ** «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ҳозирги иқтисодий ниқироз шароитларида ҳам муайян даражада ишларомини сақлаб қолмоқда. Барча буюртмаларни вақтида бажариш учун астойдил интиляпти. Шу туфайли ҳам минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришда дуруст кўрсаткичларга эришилмоқда. Тайёрланган маҳсулотлар эса зудлик билан мижозларга жўнатиляпти. Ушбу суратда бирлашманинг тайёр маҳсулотлар бўлими ишчилари Наима Муҳамедова ва Елена Беловаларни иш пайтида кўриб турибсиз.

Д. АҲМАД олган сурат.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

● **АФҒОНИСТОНДАГИ умумий вазият ҳамон бир изга тушганича йўқ, деб хабар берадн оммавий ахборот воситалари. Яқинда мазкур мамлакатда парламент тузиш ва янги армия ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Покистон пойтахти Исломободдан олинаётган хабарларга қараганда, халқ вакилларининг Мухтор Кенгаши иштирокчилари Қобулда мамлакатнинг эндиги тараққиёти ислом қонунларига қатъий амал қилиш асосида олиб борилиши тўғрисида ҳам махсус қарор қабул қилганлар. Давлат идораларида бундан буён фақат ислом динига мансуб кишиларгина ишлай олади. Радио, телевидение, барча оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятларини шариат қондалари асосида ташкил этиши керак. Айни пайтда мусулмон бўлмаган барча ташкилотларнинг фаолияти ман этиладиган бўлди. Мухтор кенгаш қарорига кўра армия собиқ коммунистик тузумга қарши курашган мужоҳидлар гуруҳларидан ташкил топади.**

● **«САЮДИС»** ҳаракатининг фахрий ранси, Литваннинг ҳозирги сейми (парламенти)даги мухолифият раҳбари, профессор Витаутас Ландсбергис биринчи босқичи 14 февралда бўладиган республика президенти сайловида ўз номзодини қўйишни рад этди. У яқинда миллий телевидение орқали нутқ сўзлаб, ўз қадамини бетараф номзод, Литваннинг Америка Қўшма Штатларидаги элчиси Статис Лозарайтис фойдасига бўлаётганлигини маълум қилди. В. Ландсбергис Литва демократик меҳнат партияси раҳбари, ҳозирги пайтда Литва президенти вазифасини адо этиб турган Альгирдас Бразаускасни ҳам шундай ҳатти-ҳаракат қилишга даъват этди.

● **ГЕРМАНИЯ** Федератив Жумҳурияти иқтисоднёт вазири Юрген Меллеман Боннда бўлиб ўтган матбуот ходимлари билан учрашув чоғида истеъфога чиқаётганлигини маълум қилди. Федерал канцлер идораси вакилининг айтишига қараганда, Гельмут Коль Ю. Меллеман истеъфосини қабул қилган. Шу билан бирга ликда канцлер ундан янги вазир тайинлангунча ўз вазифасини адо этиб туришни илтимос қилган.

● **ДЕҲЛИ** автобусларн ҳайдовчилари ҳаётини кузатган ҳар бир киши уларнинг хатти-ҳаракатларидан таажжубланиши мумкин. Гап шундаки, ҳайдовчилар ўз ишларини тамом қилганларидан сўнг уйларига қайтишга шошилмайдилар. Чунки, кеч пайти уларни автобус паркларида жорий этилган йога машқлари кутади. Анча вақтдан буён ерости транспортн ва пойтахт транспорт корпорацияси вазирлиги ҳайдовчилар соғлиғига бефарқ қарайди деб, айбланиб келинаётган эди. Корпорация бундай нуқсонни тугатиш учун ана шундай йога тўгараклари ташкил этди. Ҳозирги пайтда йога тажрибали усталари ҳайдовчиларга чарчоқдан қутулиш йўлларини ва ўз саломатликларини тиклаш усулларини ўргатмоқдалар. Бу ерда йога санъатини эгаллаш — ҳалокатсиз ишлаш гаровидир, деб ҳисоблашмоқда.

● **ЯНГИ ЙИЛ** кечаси Кенининг шарқидаги Гарис шаҳри ўртасидан оқиб ўтувчи Тана дарёси соҳилида ғаройиб бир воқеа содир бўлди. Абибакар Салим деб аталмиш кимса Янги йилни бутунлай янги инсон сифатида бошлашга қарор қилиб, дарё бўйида тоза сувда ўзини поклашга киришаётган пайтда дафъатан сирпаниб кетиб, тимсоҳлар макони бўлган дарёга йиқилиб тушди. Гўё унинг йиқилишини билган 20 та тимсоҳ ўз ўлжасига отилмоқчи бўлишди. Қирғоқда турганлар Абибакар, барибир ўлимга маҳкум этилди, деб унга ёрдамга шошилишмади. Бироқ, А. Салим ўзини йўқотиб қўймади, бор кучини тўплаб, нариги қирғоқ томон катта тезликда сузиб кетди. Унинг орқасидан шошилган тимсоҳлар «ўлжани қўлдан бой бердилар». А. Салим омонэсон қирғоққа чиқиб олди. Омад кулиб боқди, деб шуни айтишса керак-да.

● **МУСТАҚИЛ Чехия** Республикасининг фаолияти бошланган дастлабки дақиқаларда унинг биринчи фуқароси дунёга келди. Унинг исми — Якуб Вала, вазни — 4,5 килограмм, бўйи — 53 сантиметр, туғилган жойи — Тршебич шаҳри. Чақалоқни собиқ президент Вацслав Гавел, Чехия бош вазири Вацлав Клаус, Прага архиепископи, чех католик черковининг биринчи отахонн Буюк Милослав, олимпиада чемпиони Эмил Затопек сингари машҳур кишилар чўқинтирдилар.

● **РЕЙТЕР** ахборот агентлиги Қобулдан хабар қилишига қараганда, Афғонистон пойтахтига ракета отилиши натижасида 12 киши ҳалок бўлди ва 9 одам жароҳатланди. Гулбиддин Ҳикматёрни мамлакат мудофаа вазирлиги бу ишнинг бошида турган деб айблади.

● **СУРИЯ** Араб Республикасининг вице-президенти Абдул Ҳалим Ҳаддам куни кеча Эрон Ислом Жумҳуриятига расмий ташриф буюрди. Бу сафар чоғида Яқин Шарқдаги ҳозирги вазиятда икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар муҳокама этилди.

НАШРДАН ЧИҚДИ

ОГОҲ КЎНГИЛ

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмасида ёш шоир Ўктам Мирзаёрнинг «Огоҳ кўнгил» шеърлар тўплами чоп этилди. Бозор иқтисоднётига ўтиш қийинчиликлари ҳеч бир соҳани четлаб ўтмаган, китоб чиқариш катта муаммога айланган бир пайтда муаллифга нашриётнинг қилган ҳиммати таҳсинга сазовордир.

Ушбу китобдаги шеърларни ўқир экансиз, кўнглингизда ажиб бир сурур, самимият пайдо бўлади. Вунинг боиси — кўпгина шеърларнинг она қишлоқ, унинг содда кишиларига бағишланганн, қолаверса, халқона оҳанглар руҳи билан йўғрилгани.

Шоир ҳар қандай замонда ҳам шоир. Бугунги мураккаб даврда юртдошларимизнинг дард-аламларидан куюниб, бахт-шодлигидан хурсанд бўлиб шеърлар битиш, Ватан тақдирига ўзини масъул, деб билиш Ўктам Мирзаёр шеърларининг бош мавзусидир.

●

РАССОМНИ «ЛАЛИТ КАЛА» ТАКЛИФ ЭТАДИ

Тошкентлик ёш рассом А. Нуриддинов Янги йил арафасида ўз асарларини нуфузли халқаро кўргазмада намойиш этишга таклифнома олди. Кўргазмани бу йил Ҳиндистоннинг «Лалит Кала» тасвирий санъат академияси ташкил этади.

Ҳиндистонлик санъат муҳлислари Нуриддинов чизган суратлар билан илгари танишганлар. У яқинда Ҳиндистонга бориб, у ердаги хусусий суратлар галереясида ўз асарларини намойиш қилди. Бу асарларга юқори баҳо берилди.

Нуриддинов Ўзбекистондаги «23 лар гуруҳи» деб аталган ёш рассомлар бирлашмасининг аъзосидир. Унинг асарларида халқ анъаналари замонавий услубият билан моҳирона қўшилган.

● *Шу сонга хушхабар*

«СЕМУРҒ»—ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

ЯНГИ — 1993 йил азим Тошкентнинг қадимий даҳаларидан бири Ўқчи маҳалласига катта қувонч олиб келди. Маҳалла аҳли бу ерга афсонавий қуш — Семурғ келиб қўнганининг шоҳиди бўлишди. Тўғрироғи, бу табаррук масканда қурилиб фойдаланишга топширилган янги болалар боғчасига «Семурғ» деб ном берилди.

Айтиш керакки, янги қувноқлар маскани бус-бутун исми-жисмига монанд, маҳалла зеб-шода бўлса, боғча ана шу кўркам шодадаги бамисоли энг катта ва ёрқин кўзмунчоқ. Дарҳақиқат шундай, қиёслашимизда ҳеч қандай лоф йўқ. Қурувчилар бинони катта меҳр билан бунёд этишган. Унда ҳамма қулайликлар муҳайё ва бекаму кўст. Кичкинтойлар оламига монанд безатилган ва энг замонавий тарзда жиҳозланган бири-биридан чиройли, бири-биридан ёруғ ва шинам хоналарни айланиб ҳавас қиласан, бу шоҳонага эшикдан ҳар куни ширин-шакар жажжи ўғил-қизларимиз чопқиллашиб кириб келишини ўйлаб қанчалар қувончга, ғурурга тўласан, киши. Уларнинг нурдек пок, фариштa чеҳраларига боқиб: «Семурғ қуш сизларга бахт ато этсин, болажонлар!» — дегинг келади, беихтиёр.

Куни кеча ана шу муҳташам, Янги йил совғасини маҳалла аҳлига тантанали топшириш маросими бўлди. Елкасига совға-салом ортмоқлаган мўйсафид Қорбобо билан бу ерга Ўзбекистон халқ таълими вазири Ғ. Йўлдошев, Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ҳ. Йўлдошев, Шайхонтоҳур райони ҳокими А. Миржалолов, мазкур боғча биносини бунёд этган 1-ремонт-қурилиш бошқармасининг бошлиғи Т. Комиловлар ташриф буюришди. Қисқача мубораквод ва яхши тилаклардан сўнг янги боғча мудираси Шоҳида Алимовага рамзий Олтин калит топширилди.

«Семурғ» ҳаммада бирдек яхши таассурот қолдирди. Маросим охирида Янги йил дастурхони тузалиб, элга ош тортилди.

Ҳ. НОСИРОВ.

● СУРАТЛАРДА: янги болалар боғчасининг очилиши маросимидан лавҳалар.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

САВОЛЛАРГА ҲУҚУҚШУНОС А. ҲАСАНОВ ЖАВОБ БЕРАДИ

Мен жамоа хўжалигида узоқ муддат деҳқончилик билан шуғулланиб келганман. Бир неча ойдан кейин 60 ёшга тўламан. Айтингчи, менга нафақа тайинланиши мумкинми? Нафақа тайинланса миқдори қанча бўлади?

С. ҚОСИМОВ,
Янгийўл тумани.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-фойдали меҳнат билан машғул жамоа хўжалиги аъзоларига ҳам қарилик нафақаси 25 йиллик иш стажи бўлгаи эркакларга 60 ёшдан, 20 йиллик иш стажи бўлган аёлларга 55 ёшдан тайинланади.

Тайинланадиган нафақанинг миқдори меҳнат стажига ва иш ҳақига боғлиқ. Унинг миқдори ўртача ойлик иш ҳақинииг 55 фоизи қилиб белгиланади. Барди-ю иш стажи қонун талаб қилган йиллардан кўпроқни ташкил қилса, у ҳолда ҳар бир ортиқча ишланган йил учун ўртача ойлик иш ҳақининг яна 1 фоизидан қўшимча нафақа белгиланади ва тўланади. Масалан: Қосимовнинг умумий иш стажи 39 йил, ўртача ойлик иш ҳақи эса 4370 сўм дейлик. Нафақанинг асосий миқдори 2404 сўм бўлиб, унга яна ортиқча ишланган 14 йил учун 336 сўм қўшиб тўланади.

Мен яқинда фарзандли бўлдим. Бир йўла суюнчи пули олиш учун иш жойимга борсам 250 сўм пул беришди. Шу тўғрими?

С. КАРИМОВА,
Бектемир тумани.

ЖАВОБ: йўқ, тўғри эмас. Бола туғилганлиги муносабати билан бир йўла бериладиган суюнчи пули энг кам иш ҳақининг икки ҳиссаси ҳисобида, яъни 4000 сўм миқдорида тўланади. Бундай қоида Республика Президентининг 1992 йил 8 октябрдаги Фармони асосида ўтган йилнниг 1 октябридан эътиборан тадбиқ қилина бошлади.

Демак, сиз ҳам бундай имтиёздан фойдаланишга ҳақлисиз.

* * *

Мен жамоа хўжалигида бошлиқ ўринбосари вазифасига сайланган эдим. Ҳозир ишдан бўшадим. Айтингчи, ишга тикланиш ҳақидаги низо суд орқали ҳал бўладими? Ёки бошқача тартиб мавжудми?

Н. САИДҚОСИМОВ,
Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: якка меҳнат низоларини ҳал этиш тартиби тўғрисидаги собиқ СССРда 1991 йил 11 мартда қабул қилинган Қонун (ҳозир ҳам амалда)нинг 1-моддасига асосан фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилишни кенгайтириш ҳамда меҳнат низолари бўйсуниш тартибида кўриб чиқиладиган ходимлар тоифалари рўйхати тугатилган. Агар илгари рўйхатда кўрсатилган ходимларнинг ишга тикланиш ва бошқа низолари ҳақидаги аризалари юқори идоралар томонидан кўрилган бўлса, Қонун кучга кирган кундан, яъни 1991 йил 1 июндан бундай меҳнат низолари тумаи (шаҳар) халқ судларида кўриб чиқиладигаи бўлган (директорлар, бош муҳандислар ва бошқа раҳбар ходимлар низоси). Бироқ, ушбу қонунда белгиланган меҳнат низоларини кўриб чиқиш тартиби жамоат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг бошқа бирлашмалари ходимларининг уларни сайлаган идораларининг қарори билан маош тўланадигаи сайлаб қўйилган лавозимдаи муддатидан олдин бўшатиш тўғрисидаги низоларга нисбатан қўлланилмайди. Демак, сиз сайлаб қўйилган ходим жамоат ташкилоти ходими сифатида юқори идорага ишга тикланиш (касаба уюшмаси қўмитасининг меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссияси кўриб чиққанидан кейин) ҳақидаги шикоят аризаси билан мурожаат қилишингиз лозим.

ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАР МАРКАЗИ

Республикамизда иқтидорли болалар билан маърифий ишлар олиб боришга эътибор кучайтирилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги қатор ибратли тадбирларни кўрмоқда.

Вазирлик ҳузурида иқтидорли болаларни аниқлаш ва тарбиялаш республика маркази тузилди. Янги марказ ўз фаолиятини бир неча ишчи гуруҳларга таяниб амалга оширади. Айни бир вақтда марказ ўз истиқбол режасини ҳам белгилаб олди.

А. АЛИЕВ.

Кичкинтойлар саҳнасида

РЕСПУБЛИКА қўғирчоқ театри учун 1992 йил самарали ўтди. Сўнгги ойлар мобайнида «кичик саҳна» усталари бир неча қувноқ спектакларни саҳналаштириб, жажжи болажонларни мамнун этдилар.

Янги йил арафасида саҳна юзини кўрган янги эртак-спектаклининг номи «Қуёшжон ва қор одамча» деб аталди. Бу постановкага румин халқ эртаги асос қилиб олинган бўлиб, у ёш томошабинни эзгуликка даъват этади.

Кичкинтойларимизга янги йил совғаси бўлган ушбу спектаклининг ўзбек тилида муваффақиятли чиқишида театрнинг Ш. Комилова, А. Мирзағиёсов, Ф. Хўжаев каби етакчи ижодкорларининг хизматлари катта бўлди.

С. ОДИЛОВА.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЕТУК ИХТИРОЧИ-Ю, АММО...

ФАН-ТЕХНИКА тараққиётига эришиш учун асрлар мобайнида беҳисоб олимлар заҳмат чекишган. Аммо ўтмишда кашфиётларнинг аҳамиятини ҳамма ҳам тушунавермаган, ихтирочилар таъқиб қилинган, қашшоқликда ҳаёт кечиришган. Қуйида айрим машҳур тадқиқотчилар қисматидан турли мисоллар келтирилди.

● ГАЗЧИРОҚ ихтирочиси француз Филипп Лебонни Наполеоннинг югурдаклари бетиним таъқиб қилишар, тажрибаларига ҳалал беришар ва ишдан қувишарди. Ғанимлар унинг бошига минг бир кулфат ёғдиришди. Ниҳоят, бахтиқаро ихтирочи Елисей майдонида, кўксида 13 ҳанжар жароҳати билан дунёдан кўз юмди.

● XVI асрда ўтган француз олими, халқ орасидан чиққан оддий кулол Бернар Палисси чинни ва эмаль сирини очди, ўз даврининг буюк мутафаккири бўлиб етишди. Бироқ уни турмадан олиб, турмага тиқишди. Охир-оқибат ихтирочи жаллод ойболтаси остида ҳаётдан кўз юмди.

● ТИКУВ машинасини ихтиро қилган Тимонье шу машина моделини кўчамакўча намойиш этиб, кундалик ризқ-рўзини топарди.

● Жон Фич ўзи ихтиро этган пароход — эшкаклари буғ кучи билан ҳаракатланувчи кема биринчи бор сузиб ўтган Делавар дарёсига ўзини ташлади.

● РУДОЛЬФ Дизель Атлантика океанидан ўтаётган лайнер дизелларининг шовқини остида палубадан сувга сакраб, океан қаърига ғарқ бўлади.

● Замонавий радиоалоқанинг бир қанча муҳим томонларини кашф этган Жон Армстронг осмонўпар радио уйининг деразасидан ўзини ташлади.

Муҳаррир ўринбосари С. Ғ. МУСАЕВ.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ 1992 ЙИЛДАГИ ЭНГ ЯХШИ СПОРТЧИЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг қарори билан қуйидагилар Ўзбекистоннинг 1992 йилдаги энг яхши спортчилари деб топилди.

Ағзамов Феруз — самбо.
Асрабоев Анатолий — отиш
Галиева Розалия — гимнастика
Ғаниев Рамиль — енгил атлетика
Григорьян Артур — бокс
Ғофуров Шуҳрат — дзюдо
Елестратов Вячеслав — самбо
Загребельний Сергей — шахмат
Захаревич Валерий — қиличбозлик
Логинов Валерий — шахмат
Муллажонов Игорь — чим устида хоккей
Мамедов Ботир — таэквондо
Мирзалиева Дилфуза — чим устида хоккей
Ненашев Александр — шахмат
Пирматов Абдуқодир — кураш
Поляруш Дмитрий — батут
Разгуляев Юрис — фигурали учиш
Салтаев Михаил — шахмат
Серпер Григорий — шахмат
Сирцев Сергей — оғир атлетика
Стергиаду Алики — фигурали учиш
Тошпўлатова Шоира — самбо
Усмонова Малоҳат — чим устида хоккей
Усов Сергей — енгил атлетика
Черязова Лина — фристайл
Чусовитина Оксана — гимнастика
Шмонина Марина — енгил атлетика
Йўлдошев Сайдали — шахмат.

К. ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг ўринбосари.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси матбуот маркази хабар қилади

ҲОЗИРГИ алғов-далғовли кунда ҳар биримизнинг ўзимизга яраша масъулият билан қиладиган ишимиз бор. Бир йирик сиёсатчи шундай деган экан: «Мустақилликни қўлга киритиш уни сақлаб қолишдан осон». Назаримизда бу сўзларга ҳеч ким бефарқ қарамаса керак. Республикамиз иқтисодиётини дадил оёққа турғазишда Ўзбекистоннинг ҳар бир кишиси масъул. Аммо баъзи бир виждонни ютган кимсалар юрт мустақиллигидан кўра шахсий манфаатини устун қўйишга ҳаракат қилишмоқда. Агар шундай бўлмаганида қуйидаги воқеалар рўй бермасмиди?

ОЗИҚ-ОВҚАТ ЎЗИМИЗГА ҲАМ КЕРАК

ТОЖИКИСТОНЛИК «тижоратчи», «ишбилармон»лар ҳам Ўзбекистон Республикасидаги озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларнинг нархи арзонлигидан ўз мақсадларида фойдаланиб қолишга уринмоқдалар. Биргина Тошкент вилояти ҳудудидаи қанчадан-қанча ғайриқонуний равишда мол олиб кетишга уриниш бўлаётганини айтишнинг ўзи кифоя.

Ачинарлиси шундаки, бу учарларга ўзимиз ёрдам бераяпмиз. «Гилам сотсанг, қўшнингга сот, бир чеккасида ўтирасан» дегани шумикан? Билмадик, бу мақол ҳозирги кунда қандай аҳамиятли эканлигини, аммо озиқ-овқат маҳсулотлари ўзимизга ҳам керак. Шуни ҳисобга олсак, «ГАЗ-53» маркали, давлат белгиси 41—78 ЛБМ (Ўратепа шаҳридаги «Орион» фирмасига қарашли) юк машинасида тегишли ҳужжатсиз 500 килограмм ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг олиб чиқиб кетилишини ҳеч нима билан асослаб бўлмайди.

ҚЎЛИ ОЧИҚ «САҲИЙЛАР»

ТОШКЕНТ вилояти чегарасида давлат белгиси 92—60 АТМ, «КамАЗ» 5410» маркали юк машинасида Олмаота шаҳридаги «Влад» кичик корхонасига олиб кетилаётган ноқонуний моллар ушлаб қолинди. Тошкент шаҳрида жойлашган «Агропромпродукт» корхонасидан «ундирилган» тўққиз минг шиша «Жасорат» виноси белгиланган жойга етиб бормади. Мол Давлат божхона қўмитаси ходимлари томонидан мусодара қилинниб, «Влад»нинг хўжайини В. Беловга жарима солинди.

ТОШКЕНТДА САРИЁҒ БОРМИ?

ЭЪТИБОР берган бўлсангиз, Тошкентдаги озиқ-овқат дўконларида сариёғ топиш қийин бўлиб қолди. Буни турлича талқин қилиш мумкин. «Ҳар йили янги йил арафасида ўзи шундай бўлиб қолади», «Қишда сариёғ кам олинармиш...» Хуллас, ҳар ким ўзича хулоса қилади. Бу хулосада ким ҳақлигини билмаймизу, «Тошкент — Чимкент» йўналишидаги автобус йўловчиларининг юклари текширилганда, Чимкент вилояти фуқаролари Г. Мустафоева, З. Болташев, С. Кеижабековлар ўзлари билан 220 килограмм сариёғ, 75 килограмм макарон (жами 66 минг 850 сўмлик) олиб кетишаётган экан. Уларнинг гапларига қараганда, бу маҳсулотлар пойтахтдаги дўконларнинг биридан олинган.

МАНЗИЛИГА ЕТМАГАН КАРВОН

САМАРҚАНД вилоятидан Бресть шаҳрига йўл олган 26—73 СНЛ, 22—17 СНЛ «КамАЗ» маркали юк машиналарининг карвони «Тошкент — Чимкент» автомобиль йўлида тўхтатилиб, текширув ўтказилганда ҳайдовчилар ер чизиб қолишди. «Узплодоовощтранс»нинг Самарқанд шаҳридаги 5-автокорхонаси ҳайдовчилари ноқонуний йўл билан Беларусь Республикасига мол олиб кетишаётганди-да, ахир. Уларга Навоий шаҳрида яшовчи пенсионер Т. Гелашвилининг шахсий «КамАЗ»и ҳам қўшилганди. Бу машиналарда ўзимизнинг аҳолига ҳам керак бўлган 38,5 тониа олма, 784 килограмм томат пастаси (997 минг 942 сўмлик) бор эди. Моллар мусодара қилиниб, айбдорлар жарима тўлашди.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
Республика Давлат божхона қўмитаси матбуот маркази ходими.

«ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ» ЖУРНАЛИНИНГ ОБУНАЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Азиз муштарийлар! Сизларнинг ёрдамингиз туфайли 1993 йил обунаси журналимиз учун жуда муваффақиятли якунланди. Иқтисодий танглиққа қарамай, обунаачиларимиз сони ўтган 1992 йилга нисбатан қарийб икки ярим баравар кўпайди. Бунинг учун Сиз — азиз муштарийлардан беминҳоя миннатдормиз, бундан кейин ҳам хизматингизга доим тайёрмиз.

Аммо, уйдаги гап кўчага тўғри келмайди, деган гап бор. Нарх-навонинг беқарорлиги, қоғоз нархининг ой сайин ошиб бораётганлиги, босмахона, транспорт, алоқа хизматларига, ижарага олинадиган биноларга, газ, электр қувватига ва телефон алоқасига тўланадиган ҳақ бир неча баравар ошиб кетганлиги сабабли журнал ижодий жамоаси 1993 йилги сарф-ҳаражатларни ҳисобга олиб, журналнинг обуна баҳосини оширишга, бир нусхасининг баҳосини 3 сўм эмас, 8 сўм қилиб белгилашга мажбур бўлди. Бизнинг аҳволимизни тушунасиз, деб ишонамиз. Ахир ҳозир 3 сўмга уч қути гугурт ҳам харид қилиб бўлмайди, журнални уйингизга етказиб бериш учун сарфланадиган йўл ҳаражатларининг ўзи уч сўмга етиб қолади.

Бошқа газета ва журналларнинг обуна баҳоси кескин ошган шароитда ҳам «Ўзбекистон матбуоти»нинг муассислари ва таҳририяти Сиз, азиз ҳамкасбларимиз — журналистлар, матбаачилар, ноширлар ва ишчи-деҳқон мухбирларнинг манфаатини кўзлаб, журналнинг ярим йиллик обуна баҳосини 24 сўм, бир йиллик обуна баҳосини 48 сўм белгилади. Эски нархда ярим йилга обуна бўлган ўртоқлар яна 15 сўм, бир йилга обуна бўлганлар яна 30 сўм қўшимча ҳақ тўласалар, кўнгиллари хотиржам бўлади, журнални ўз вақтида олаверадилар. 15 мартга қадар қўшимча обуна пулини ўтказиб расмийлаштирмаган ўртоқлар май ойидан бошлаб журнални ололмай қолиши мумкин.

Обунани матбуот тарқатиш марказининг барча бўлимларида, шунингдек, иш жойингиздаги жамоатчи обуна қабул қилувчилар орқали расмийлаштирса бўлади. Баҳоси олти ойга — 24 сўм, бир йилга — 48 сўм. Индекси — 75323.

«ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ» ЖУРНАЛИ.

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРУВЛАР ДИҚҚАТ!

Сўнгги пайтларда йўловчилар ташийдиган поездларга чипта харид қилиш масаласида ўта оғир вазият юзага келди.

Ўзбекистон Республикасидаги бошқа турдаги йўловчилар транспортига нисбатан энг арзон транспорт воситаси бўлмиш темир йўл транспортига ҳам етишиш қийин бўлиб қолди. Чунки сонсаноқсиз олғир чайқовчилар темир йўл кассаларида чипталар қолмаган бир пайтда уларни кўплаб сотиб олиб, кейинчалик уларни 3—4 баравар қимматроқ нархларда пулламоқдалар.

Аҳолининг кўпсонли илтимосларига биноан,

ТЕМИР ЙЎЛ 1993 ЙИЛ 15 ЯНВАРДАН БОШЛАБ

транспортда юриш чипталарини йўловчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар (паспорт, ҳарбий билет, хизмат гувоҳномаси ва ҳоказолар) асосида сотишга ўтади.

Йўловчиларнинг чиптаси ва ҳужжатидаги исми-шарифи бир-бирига мувофиқ бўлгандагина поездга чиқишга рухсат этилади.

ҲУРМАТЛИ ЙЎЛОВЧИЛАР! Йўл ҳужжатларини бегона шахслардан сотиб олманг! Фақат тўғри расмийлаштирилган чипта билаигнна поездда кетиш ҳуқуқига эга бўласиз.

САФАРИНГИЗ ҚЎНГИЛЛИ ЎТСИН!

Урта Осиё темир йўл бошқармаси.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Янгийўл район ҳокими А. Юсуповга онаси

Норбуви ҚОБИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар:

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.

АХБОРОТ, ТИЖОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ — 33-99-15.

● Эълон ва билдирувлар кечиктирилмай чоп этилиши кафолатланади.

● Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар.

● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.

Нашр кўрсаткичи: Г-10. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 18.30 31379 нусха босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.